Наврўзинг – янги кун, янги давронинг муборак, жонажон Ўзбекистоним!

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 21 март • шанба • № 38-39-40 (4325)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам отахон ва онахонлар, мунис опа-сингиллар, қадрли ака-укалар!

Халқимизнинг келажаги, ишончи ва таянчи бўлган навқирон ёшлар!

Авваламбор, барчангизни, кўп миллатли бутун халқимизни жонажон Ўзбекистонимизга кириб келган Наврўзи олам билан чин қалбимдан самимий табриклаб, юксак ҳурмат ва эҳтиромимни, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳаммамиз яхши биламиз, **Наврўз тинчликни, сиҳат-саломатликни қадрлаб, асраб-авайлаб яшашга даъват этади.**

Тинчлик ва соғлиқни асрасак, қолган нарсаларга албатта эришамиз. Лекин ҳозирги глобал дунёда бу жуда мураккаб вазифа бўлиб қолаётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз.

«Йил йилга ўхшамайди», деган гап бежиз айтилмаган. Ҳаёт ҳеч қачон бир текис кечмайди. Ҳаёт бор экан, синов бор, қийинчилик бор.

Бу ҳақиқатни шу кунларда янада чуқур ҳис этмоқдамиз. Бугун коронавирус инфекцияси деган жиддий бир хавфга дуч келдик. Давлатимиз, ҳукуматимиз бу хатарни тезроқ бартараф этиш учун барча зарур чораларни кўрмоқда.

Гўзал диёримизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз янада жипслашиб, ҳар томонлама тартиб-интизомни сақлаган ҳолда, юксак онглилик ва масъулият кўрсатиб, мўътабар кексаларимизнинг дуои фотиҳалари билан бу синовдан эсон-омон ўтамиз, деб ишонаман.

Вужудга келган мураккаб шароитни ҳисобга олиб, бу йилги Наврўз байрамида оммавий тадбирлар ўтказишни тўхтатдик.

Фурсатдан фойдаланиб, вазиятни тўғри тушуниб, кўрилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаётгани учун халқимизга яна бир бор раҳмат айтаман.

Насиб этса, тез орада бу ташвишли кунлар ортда қолади. Бундай сайил-томошаларни, тў-ю тантаналарни эл-юртимиз билан биргаликда ҳали кўп-кўп ўтказамиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Мавжуд қийинчилик ва синовларга қарамасдан, ҳаёт давом этади. Бу йил Наврўз айёми хонадонларда, оилавий давраларда кенг нишонланмоқда.

Бугун миришкор деҳқон ва фермерларимиз катта умид билан ерга уруғ қадамоқда. Ҳудуд ва минтақаларимизда **«Дарахт экиб, боғ яратамиз, юртимизни янада обод қиламиз»,** деган эзгу мақсадда миллионлаб кўчатлар экилмоқда.

Мана шу хосиятли кунда барчамиз йилимиз қутлуғ келсин, деҳқонларимизнинг бахтини, омадини берсин, ҳосилимиз мўл бўлсин, деб ният қиламиз.

Узоқ-яқиндаги мамлакатлар халқларини, Ўзбекистоннинг барча хорижий дўст ва ҳамкорларини шарқона янги йил – Наврўз айёми билан қутлаб, уларга самимий истакларимизни изҳор этамиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Илоҳим, дилимиздаги барча олижаноб орзу-интилишларимиз рўёбга чиқсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Яратганнинг ўзи ҳаммамизни паноҳида асрасин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Наврўз айёми муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Тинчлик ва аҳиллик рамзи бўлмиш Наврўз дўст халқларимизга эзгулик ва қут-барака келтирсин.

Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатлар икки томонлама ва кўп томонлама йўналишларда бундан буён ҳам ривожланиб боришига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлик, масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош ўзбек халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

Нурсултон НАЗАРБОЕВ,
Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович, қадрли қардошим!

Халқаро Наврўз айёми муносабати билан Сизга ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни йўллашга ҳамда фаровонлик ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

Тинчлик, яхши қўшничилик, бирдамлик ва табиат билан уйғунликни ифода этувчи Наврўз байрами янги кун, янги ҳаёт элчисидир. Бутун инсоният бой маданий меросининг ажралмас қисми сифатида эътироф этилган бу қутлуғ айём улуғ инсонийлик тамойилларини ўзида мужассам этиб, халқлар дўстлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашда алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу ажойиб байрам Сиз ва қардош Ўзбекистон халқига бахт-саодат, шодлик ва янги зафарлар олиб келсин!

Чуқур ҳурмат ила,

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сиз ва бутун Ўзбекистон халқини файзли Наврўз айёми билан чин дилдан муборакбод этаман.

Инсониятни эзгуликка, фаровонлик ва бунёдкорликка даъват этиш Наврўзга хос ажойиб хусусиятдир. Туркий олам учун ягона бўлган ушбу қутлуғ айём мамлакатларимиз қардошлигини янада мустаҳкамлаб, қувонч ва барака олиб келсин.

Ишончим комил, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан мустаҳкам дўстлик ва яхши қўшничиликка асосланган Қозоғистон – Ўзбекистон стратегик шериклиги халқларимиз фаровонлиги йўлида жадал ривожланиб бораверади.

Ушбу айём кунларида, муҳтарам Шавкат Миромонович, мамлакатингиз ёрқин келажагига қаратилган олижаноб ташаббус ва саъй-ҳаракатларингизга муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига фаровонлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сизни ва биродар Ўзбекистон аҳлини халқаро Наврўз байрами билан самимий муборакбод этиб, энг эзгу тилакларимни йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Наврўз байрами уни нишонлайдиган халқларнинг қадимий ва умумий маданий мероси сифатида дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч, бирдамлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаб, биродар элларимизнинг янада яқин бўлишига хизмат қилмоқда.

Аминманки, бундан буён ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар ва кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида биргаликда ҳаракат қиламиз.

Ушбу қутлуғ айём кунларида Сизга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, дўст Ўзбекистоннинг янада тараққий этиши ва равнақ топиши йўлида давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан,

Эмомали РАҲМОН,
Тожикистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Қирғизистон халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни ва бутун Ўзбекистон аҳлини Наврўз билан муборакбод этаман!

Марказий Осиё халқлари қадим-қадимдан ушбу айёмни алоҳида эъзозлаган. Меҳнатсеварлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик рамзи бўлмиш Наврўзни элларимиз умид ва эзгу ниятлар билан кутиб олмоқда.

Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничиликка асосланган ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатлари бундан буён ҳам икки давлат манфаатлари йўлида изчил ривожланиб боришига қатъий ишонаман.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлик ва давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

Сооронбай ЖЭЭНБЕКОВ,
Қирғизистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Озарбайжон халқи номидан ва ўз номимдан Сизга ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон халқига Наврўз байрами муносабати билан энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Янгиланиш ва табиат уйғониши рамзи бўлмиш ушбу файзли байрам одамларни яхшилик қилишга чақиради.

Аминманки, ушбу баҳорий айём Наврўз анъаналарини эъзозловчи халқларимизга яхши кайфият, қувонч ва қут-барака келтиради.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлик, фаолиятингизда зафарлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат ила,

Илҳом АЛИЕВ,
Озарбайжон Республикаси Президенти

Шунингдек,

Эрон Ислом Республикаси Президенти **Ҳасан Руҳоний**

Фаластин Президенти **Маҳмуд Аббос**

Саудия Арабистони Подшоҳи **Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**

Саудия Арабистони Подшоҳлиги валиаҳди,
Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари,
мудофаа вазири **Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти,
Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари,
ички ишлар вазири **шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён** ва бошқалар табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ – ЭЛБОШИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 март куни Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида икки мамлакат етакчилари бир-бирларини ҳамда қардош Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларини баҳор, яшариш ва янгиланиш байрами – Наврўз билан самимий қутладилар.

Ушбу айём азалдан ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва шериклик ришталари, муштарак тарих, маданият ва анъаналар билан чамбарчас боғлиқ бўлган халқларимиз маънавий-маданий яқинлигининг ифодаси экани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатларимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, шунингдек, унинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ҳамда кўп қиррали Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларининг бугунги суръатига салбий таъсирини камайтириш борасида кўрилаётган қатъий чора-тадбирлар тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Ҳукуматлар даражасида саъй-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштириш ва яқиндан ҳамкорликни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг долзарб жиҳатлари ҳам кўриб чиқилди, минтақавий ҳамкорлик ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА

Таҳлил

Минтақа баҳори

Президент Шавкат Мирзиёевнинг эзгу ташаббуслари Марказий Осиё ҳаётига кўклам нафасини олиб кирди

Қудратилла РАФИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, сиёсатшунос.

Мени бир зиёли, қолаверса, сиёсатшунос сифатида жамиятлардаги ўзгаришлар, турли истиқболли моделлар доимо қизиқтириб келган. Таҳлилчилар Сингапур, Корея, Япония, Европа жамиятлари ҳақида керагидан ортиқ гапиришади. Тўғри, бу давлатларда оламшумул ислоҳотлар қилинган ва буни ўша мамлакатларнинг бугунги тараққиёти ҳам кўрсатиб турибди. Бироқ кўпчилик ҳолларда бу ривожланиш таъсири ўз доирасидан ташқарига чиқолмаган. Яъни ўша давлат ва жамият учун индивидуал характер касб этган. Лекин сиёсат шундай кучки, унинг воситасида ақлли, иродаси мустаҳкам сиёсий лидерлар ва миллий йўлбошчилар ўз қарорлари билан нафақат ўз давлати, балки ўзи жойлашган минтақа, ва ҳатто, дунё сиёсий иқлимида кескин ўзгариш ясашган.

Бунга тарихдан бир қанча мисоллар келтириш мумкин. Моҳиятан қараганда, стратегик муҳим ҳудуд (Ўзбекистон минтақадаги тўрт, Афғонистонниям қўшганда, беш давлат билан чегарадош ягона давлат), Буюк Ипак Йўли марказида жойлашган, аҳоли сони бўйича минтақада етакчи мамлакат бўлган Ўзбекистон қабул қиладиган қарор кўп жиҳатдан 70 миллион (Афғонистонни қўшса, 100 миллион) нафардан ошиқ аҳоли яшайдиган ҳудуд манфаатларига ҳам доим ўз таъсирини ўтказиб келган.

Буни кўп узоққа бормай, мамлакатимизда кейинги уч йилда қабул қилинган миллий, минтақавий ва глобал даражадаги «сиёсий қарорлар»нинг ижобий натижалари мисолида ҳам кўриш имкони бор. Бугун маҳаллий ва халқаро таҳлилчилар Ўзбекистоннинг изоляциядан чиққани ҳамда қўшнилар билан яқин алоқага киришгани минтақа, қолаверса, дунё жўғрофий сиёсатида янги уфқ пайдо қилганини холисанилло эътироф этишмоқда. Албатта, Ўзбекистоннинг мавжуд салоҳияти минтақа ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётида тарихан муҳим «маркер» вазифасини ўтаб келганини ҳеч ким инкор этмайди. Бироқ ортда қолган йигирма йиллик «хонанишинлик» нафақат Ўзбекистоннинг ўзига, балки қўшни давлатлар истиқболига ҳам сезиларли соя ташлаганини таҳлилчилар яширишмаяпти...

Масалага шу тариқа ёндашадиган бўлсак, Президентнинг шу йилнинг январида янги Олий Мажлисга Мурожаатномаси бу борада муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Ушбу мурожаат мазмун-моҳияти билан Ўзбекистоннинг кенг кўламли сиёсатини белгилайди. Мажозий маънода айтганда, мамлакатнинг орзу-истагини, мақсадини ифода этади. Президентимиз ўз Мурожаатномаси орқали белгилаб берган стратегик позициялар ичида энг кўп диққатимни тортгани иккита муҳим масала бўлди. Шу боис, мен ўз мулоҳазаларимни кўпроқ шулар атрофида баён қилишни лозим топдим.

Булар – <u>биринчидан,</u> ташқи сиёсат, хусусан, минтақада тинчликни таъминлаш мамлакатимиз ривожланиш стратегиясининг устувор йўналиши этиб белгиланганидир;

<u>иккинчидан,</u> жамиятда ҳеч қачон тан олинмаган камбағаллик омилининг тан олиниши ва унга барҳам бериш йўлларининг қидирилаётгани...

3 ▸

Тошкент шаҳри

Тадорик

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторинг ишларини ўтказмоқда.

Тизимли ишлар

Махсус 3 та ишчи гуруҳ оромгоҳлар ҳолатини ва уларда амалга оширилаётган ишларни батафсил ўрганиб чиқди. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар зудлик билан бартараф этилиб, ёзги соғломлаштириш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш, соғломлаштириш сифатини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, оромгоҳларда мебель ва ошхона жиҳозларининг етарли даражада бўлиши, ёнғин хавфсизлигига эътиборни кучайтириш, илон, қорақурт чақишига қарши юқори сифатли вакциналар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Мутасадди ташкилот ва идораларга ҳамда илмий-тадқиқот институтлари билан биргаликда, болаларнинг соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир оромгоҳда судралиб юрувчи жонивор ва ҳашаротларга қарши дезинфекция ишларини амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Ҳар бир оромгоҳнинг ётоқхоналаридаги кроватлар ва матрасларнинг яроқли ёки яроқсизлигини инвентаризациядан ўтказиш, оромгоҳларни хатловдан ўтказиб, якуний хулосалар юзасидан тегишли ташкилотларга тақдимнома киритиладиган бўлди.

Равшан МАҲАМАДАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

Тошкент вилояти

Президент ташрифидан сўнг

Ўзгаришлар оғушидаги Бекобод

1944 йил 5 март. Ушбу кун – Ўзбекистон металлургия заводи ташкил этилган кун сифатида тарихга ёзилган. Ўтган давр мобайнида мазкур корхонада кўплаб ўзгаришлар рўй берди. Янги цехлар ишга туширилди. Минглаб ёшлар меҳнатда тобланди. Комбинатдан Меҳнат қаҳрамонлари етишиб чиқди. Кўплари Ватанимизнинг юксак мукофотларига лойиқ кўрилди.

Бугун «Ўзметкомбинат» АЖ транспорт ва ижтимоий инфратузилмасини ўзида мужассам этган мамлакатимизнинг етакчи саноат корхоналаридан бирига айланди.

Сўнгги уч йилда корхонада ҳам улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Шу давр мобайнида давлат раҳбарининг ушбу корхонага икки марта ташрифи бунинг ёрқин ифодасидир.

Шавкат Мирзиёев ўтган йили комбинатга ташрифи чоғида йирик инвестициявий лойиҳа – қуюв-прокатлаш мажмуасини амалга оширишга тамал тошини қўйди. Мазкур лойиҳа амалиётга татбиқ этилгач, комбинатда прокат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 миллион тоннадан ошади.

— Президентимизнинг ташрифидан сўнг нафақат корхонамизда, балки бутун Бекобод туманида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди, – дейди «Ўзметкомбинат» АЖ бошқарув раиси в.б. Сергей Вьюненко. – Хусусан, давлатимиз раҳбарининг таклифи ва ташаббуси асосида шаҳарда кичик саноат зонаси ташкил этилди. Мазкур зонани ривожлантириш бўйича режалаштирилган 17,7 миллиард сўмлик 11 лойиҳадан ҳозирга қадар 3,4 миллиард сўмлик 3 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Бу 128 кишининг бандлигини таъминлаш имконини берди.

«Бекобод деҳқон бозори»да замонавий услубда кенг ҳажмли қурилиш ишлари олиб борилди. Шаҳарнинг «Янгиҳаёт» маҳалласида 216 ўринли мактаб биноси қурилди. Шаҳарда 3 та хусусий боғча ишга тушди. «Деҳқонобод» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 3-сонли сув олиш иншооти тўлиқ реконструкция қилинди ва Бекобод шаҳригача бўлган 9500 метр масофага 800 диаметр ҳажмли янги пластик қувурлар ўрнатилди. Бу қувур қўшни Тожикистон Республикаси ҳудудидан ўтгани боис, сўнгги чорак асрда бирор марта таъмирланмаган эди. Ўтган йилнинг 20 март кунидан бошлаб бу қувур орқали Бекобод шаҳар аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланмоқда.

«Бекободматбуот» босмахонасининг бўш ётган биноси «Ўзметкомбинат» АЖ томонидан қайта таъмирланди ва тикув фабрикасига айлантирилди. Комбинатда базальт негизида иссиқликни ўтказмайдиган материалларни ишлаб чиқариш цехида сендвич-панелларини тайёрлаш кўпайтирилмоқда. Ўтган йилдан бошлаб цехда гидропоника субстратини ишлаб чиқариш бўйича ишлар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан «Ўзметкомбинат» АЖнинг устав капиталидаги давлат улуши «SFI Management Group» ишончли бошқарув компаниясига берилганига икки йил бўляпти. Ушбу ҳамкорлик туфайли қисқа вақт ичида комбинат тараққиётнинг янги даврига муваффақиятли ўтди. Ўтган йили мавжуд қувватларни кескин оширишга эришилди. Комбинатда 911,2 минг тонна пўлат эритилиб, 1 миллион 60 минг тонна прокат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу аввалги йиллардан 137,9 ҳамда 144,6 фоизга кўп деганидир.

Жорий йилда ҳам металлурглар ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришмоқдалар. Йилнинг ўтган 4 ойида комбинатда 309,9 минг тонна пўлат эритилиб, 368,2 минг тонна прокат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу борада белгиланган режалар зиёди билан бажарилиши билан бирга, ўтган йил шу даврига қараганда 119,0 ва 109,3 фоиз ўсиш суръатига эришилди.

2017 йилдан буён амалда бўлган жамоа шартномаси иш берувчи ва корхона ишчи-ходимлари ўртасидаги меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва касбий муносабатларни тартибга солишда дастуриламал вазифасини бажармоқда.

2019 йилда комбинатга 639 нафар ходим ишга қабул қилинган бўлиб, шундан 86 нафари олий, 41 нафари ўрта-махсус маълумотга эга ёшлардир.

Бундан ташқари, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш юзасидан бир қатор ишлар бажарилди. 1 минг 627 нафар ишчи-ходим, шундан 336 нафари муҳандис-техник малака ошириш, 979 киши қайта тайёрлаш курсида ўқитилди.

Меҳнат самарадорлиги ошиб бориши билан бир қаторда, комбинат ишчи-ходимларининг меҳнат ҳақи ҳам кўтарилиб бораётгани, айниқса, қувонарли ҳолдир. Масалан, 2015 йилда корхонада ўртача ойлик маош 1 миллион 410 минг сўм атрофида бўлгани ҳолда, 2019 йилга келиб, бу 2 миллион 779 сўмни ташкил этди.

Комбинатда, айниқса, аёллар ва ёшларга алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. 2019 йилда фарзандларини парваришлаш таътилига чиққан аёлларга комбинат ҳисобидан 225 миллион 290 минг сўм нафақа пули тўланди. 14 ёшгача фарзанди бор оналарнинг аризасига биноан қисқартирилган иш вақти белгиланди. Корхонада хизмат қилаётган барча хотин-қизларнинг меҳнат таътилига уч кун қўшиб берилиб, бунинг учун 448 миллион 577 минг сўм маблағ ажратилди.

Жамоа шартномасига кўра, 121 нафар ёшга оила қураётгани муносабати билан 129 миллион 144 минг сўм ҳамда биринчи бор фарзанд кўрган 204 нафар ёш оилага 221 миллион 307 минг сўм атрофида моддий кўмаклашилди. Ишчи-ходимлар қонунларда ҳамда комбинатда қабул қилинган жамоа шартномасида кўрсатилган барча имтиёз ва ҳуқуқлардан фойдаланиши тўлиқ таъминланди. Ўтган йили металлургларга комбинат томонидан 222 миллион 677 минг сўм, касаба уюшмалари қўмитаси томонидан 516 миллион 905 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. 15 йил (аёллар) ҳамда 20 йил (эркаклар) ишлаганларга юбилей саналари муносабати билан жами 226 миллион 395 минг сўм берилди. Шу давр мобайнида комбинат бошқаруви томонидан МДҲ давлатларидаги санаторийларга 90 миллион 139 минг сўмга 13 та йўлланма, комбинат касаба қўмитаси томонидан республикамиздаги санаторийларга 459 миллион 56 минг сўм эвазига 313 дона йўлланма сотиб олинди ва мазкур йўлланмаларнинг 24 таси бепул, 261 таси 45 фоиз нархига, 28 таси юз фоиз нархига тақдим этилди.

Сирасини айтганда, ислоҳотлар Бекободга кўклам нафасини олиб кириб, барча жабҳаларда янгиланиш яққол кўзга ташланмоқда.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,
«Ishonch»

Миннатдорлик

Қўлингиз дард кўрмасин!

Кечки пайт эди. Саккиз ёшли набирам Илёжоннинг соғлиғи тўсатдан ёмонлашди. Қорни қаттиқ оғриётганини айтарди. Дарҳол Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази педиатрия мажмуаси болалар жарроҳлиги бўлимига олиб бордик. Бу ерда шифокорлар болани тезда тиббий кўрикдан ўтказиб, кўричак ташхисини қўйишди.

Кўп ўтмай уни жарроҳлик столига олишди. Тунни тун демай баҳамжиҳат иш олиб бораётган касб эгаларининг кун-у тун хизматга шай туришидан ғоят таъсирландим.

Тиббиёт ходимлари – бўлим мудири Э. Ли, шифокорлар А.Юсупов, Ж.Қурбонов, Д.Асадуллаев, Т.Йўлдошев, К.Ҳидоятов ҳамда Д.Турсуновларнинг саъй-ҳаракати билан неварам ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетди.

Бугун байрам кунларида шифокорларга айтар сўзим бор: илоҳим, қўлингиз дард кўрмасин!

Холида АЗИЗОВА,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Учтепа тумани кенгаши раиси

Жиззах вилояти

Бунёдкорлик

Нурчилар учун янги бино

Наврўз байрами арафасида «Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятининг Шароф Рашидов тумани электр тармоқлари корхонаси янги бинода иш бошлади. Бинода қисқа муддатда 3 миллиард 200 миллион сўмлик реконструкция ишлари уддаланди. Замонавий қиёфага эга бўлган бинода эндиликда ходимлар учун ҳам, мижозлар учун ҳам барча қулайликлар мавжуд.

Шу муносабат билан уюштирилган тантанали тадбирда туман ҳокими Маҳмуд Холбўтаев, ҳудудий электр тармоқлари АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Асрор Асқаровлар жамоани янги бино ва байрам билан муборакбод этди.

Шароф Рашидов тумани электр тармоқлари корхонаси вилоятдаги энг йирик ташкилотлардан бири саналади. 38 минг 714 маиший, 1566 улгуржи истеъмолчиларга хизмат кўрсатаётган ташкилот вилоятда биринчилардан бўлиб АСКУЭ тизимига ўтди. Соҳага Корея технологиясининг жорий этилгани энергия истеъмолини иқтисод қилишни бир неча баробарга оширди. Энг муҳими, хизмат кўрсатиш масофадан туриб бошқарилади. Бу корхона учун ҳам, мижозлар учун ҳам бир қатор имкониятларни яратди.

Байрам арафасида Ғаллаорол тумани электр таъминоти корхонаси маъмурий биноси ҳам мукаммал таъмирдан чиқарилди. Ҳозирги кунда ушбу корхона 1139 та улгуржи ва 32769 нафар аҳоли истеъмолчиларига хизмат кўрсатади. Биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 4 та 160 кВли трансформатор ва 200 метр замонавий СИП кабель тортилди. Маъмурий бинони фойдаланишга топшириш маросимида сўзга чиққанлар туман электр таъминоти корхонаси ишчи-ходимларини замонавий иш жойи билан қутлашди.

Бундан ташқари, «Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти тасарруфидаги 13 та туман ва шаҳар электр таъминоти корхоналари, нимстанция гуруҳларининг маъмурий биноларида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

– Маъмурий биноларнинг таъмирланиши ишчи-ходимларга қулай меҳнат шароитини яратмоқда, – дейди «Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Илҳом Ўринов. – Ишонамизки, ҳар икки туманда ишга туширилган янги электр таъминоти корхонаси маъмурий биноси, қолаверса, соҳада олиб борилаётган кенг қамровли саъй-ҳаракатлар аҳолини сифатли ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«Ishonch»

Фарғона вилояти

Ижтимоий кўмак

Барча жойларда бўлгани каби байрам руҳи, жўшқин кайфият «Қўқонспирт» АЖ жамоасида ҳам ҳукмрон. Баҳорнинг дастлабки кунларидан ҳудудда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилиб, Наврўз байрамига қизғин ҳозирлик кўрилди.

Юксак марраларни кўзлаб...

Айтиш жоизки, «Қўқонспирт» АЖ республикамиз ва Марказий Осиёдаги буғдой хомашёсидан озуқа этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналар орасида энг йириги ҳисобланади.

820 нафар киши меҳнат қилаётган корхонада иш уч навбатда ташкил этилган. Касаба уюшма қўмитаси ходимларнинг меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимояси ва саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича иш берувчи билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Қолаверса, жамоа шартномасидан ходимлар дамадини ошириш, уларга қўшимча меҳнат таътиллари бериш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, саломатликларини мустаҳкамлаш масалалари ҳам ўрин олган.

Сўнгги йилларда ёш ишчи-ходимларнинг турмуш шароитини яхшилаш ва иш фаолияти давомида қўллаб-қувватлаш мақсадида жамоа шартномаси орқали берилаётган имтиёз ва кафолатлар миқёси ортиб бораётир.

Байрамлар арафасида кам таъминланган оилаларга моддий кўмак кўрсатиш корхонада анъанага айланган. Бу йил ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож ишловчиларни қўллаб-қувватлаш тадбирларига катта эътибор қаратилди. Байрамни янада кўтаринкилик билан нишонлаш мақсадида Наврўз таоми – сумалак тайёрланди. Ишчи-ходимлар ўртасида миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Байрам тадбирларида яхши ниятлар ва тилаклар билдирилди.

Малик ҲОШИМОВ,
«Қўқонспирт» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси

Минтақа баҳори

Президент Шавкат Мирзиёевнинг эзгу ташаббуслари Марказий Осиё ҳаётига кўклам нафасини олиб кирди

1

Шу икки йўналиш, ўйлайманки, нафақат Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ўзида акс эттириши билан, балки бутун бир минтақа ҳаётига дохиллиги билан ҳам ажралиб туради. Қолаверса, бу «миллий концепция» Ўзбекистоннинг ташқи имижига ҳам ижобий таъсир этади.

«АФҒОН БЎҲРОНИ»

Мана, масалан, биргина минтақа хавфсизлиги масаласи. Сир эмаски, ўтган асрнинг 90-йилларида Марказий Осиёда пайдо бўлган беш мустақил давлатни Афғонистондаги сиёсий беқарорлик мудом патакдаги қуртдай бесаранжом тутиб, келажакларини хавотирга солиб келади. Шу боис, бу ҳудудда яшовчи, ўтмиши муштарак халқлар тинчликнинг қадрини бошқалардан кўра теранроқ англашади десам, бор ҳақиқатни айтган бўламан, назаримда. Зотан, у ерда қирқ йилдан буён давом этиб келаётган уруш оқибатлари ва хавфи бир-бирига қўшни бўлган бошқа халқларнинг ҳам бехавотир яшашига имкон бермаган.

Президент ўз Мурожаатномасида минтақада тинчликни сақлаш ва яқин қўшничиликни, стратегик ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида шундай деди: «Биз Ўзбекистон ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг кўламли ишларни, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очиқ, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат йўлини давом эттирамиз. Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узоқ муддатли ва кўп қиррали шерикликни янада кучайтирамиз.

....Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни мазмун ва сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишимиз зарур...».

Эътибор берган бўлсангиз, шундан кўп ўтмай, шу йилнинг февраль ойида Бирлашган Араб Амирликлари пойтахти Доҳада АҚШ ва Афғонистондаги сиёсий кучлар ўртасида тинчлик сулҳи имзоланди. Бу ечимга эришишда Ўзбекистоннинг иштирокчилиги, ўйлайманки, мамлакатимизнинг ўз тарихий миссияси – минтақадаги етакчилик анъанасини яна қўлга олганини англатади. Аслини олганда, матбуотимиз деярли эътибор бермаган, ёритганда ҳам шунчаки, юзаки шарҳлар билан чекланган бу ҳодиса, контекстига кўра «аср ҳодисаси», деб айтишга арзирли воқеа эди. Инчунун, бу моҳиятан, қарийб ярим асрдан буён уруш олови ўчмаётган, бутун умрини ўқлар ёмғири остида ўтказаётган жафокаш афғон халқи, ниҳоят тинчликка эришиш йўлида муҳим қадам ташлаганини, дунё харитасида «қирмизи» ранг билан кўрсатиладиган хавфли ҳудудда вазият ниҳоят ўнгланиш сари юз тутганини англатарди. Қолаверса, ушбу «сулҳ» минтақанинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий истиқболини ҳам белгиларди...

Бугун шуни ишонч ва фахр билан айтамизки, қўшни Афғонистонда ўрнатилаётган тинчликда бевосита Ўзбекистоннинг, Президент Мирзиёевнинг муносиб улуши бор...

Таъкидлаганимиздек, яқинда Доҳада АҚШ ва «Толибон» гуруҳи ўртасида узоқ кутилган тинчлик битимини имзолаш маросими бўлиб ўтди. Мазкур жараён афғонлараро умуммиллий ярашувга пойдевор қўйгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Бу ўринда айтиш керакки, тарафларнинг бир тўхтамга келиши ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бу борада Ўзбекистон томони катта куч сарфлади. Хусусан, қисқа фурсат ичида «Афғон масаласи»га дахлдор сиёсий кучлар ва давлатлар билан турли даражаларда музокаралар ўтказилди. Қолаверса, урушаётганларни муроса-ю мадорага олиб келиш юзасидан ҳам ўзбек дипломатлари жонбозлик кўрсатишди. Зотан, расмий Тошкент Афғонистонни минтақанинг ажралмас қисми, деб билади. Ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатиш бўйича саъй-ҳаракатлар жуда муҳим ва долзарб масала бўлиб, Марказий Осиёнинг мустаҳкам ривожланиши геополитик макон сифатида Афғонистондаги вазият барқарорлашуви билан бевосита боғлиқ. Президент Шавкат Мирзиёев бир неча бор таъкидлаб ўтганидек, афғон муаммосини ҳал этмай туриб, тинч ва юксак даражада тараққий этган Марказий Осиё ҳақида гапириб бўлмайди.

> *Президентимиз бошлаган тинчлик йўли эса минтақа иқтисодиёти артериясини қирқ йиллик тиқинлардан тозалаб, Марказий Осиё томирларида худди бир пайтлардагидек «тоза қон» оқишини таъминлайди. Бу ўз кўлами ҳамда натижадорлигига кўра жуда улкан ишдир. Ва айнан шу жиҳатлари билан Президент Мирзиёевнинг бу тинчликсевар ташаббуси ва сиёсий жасорати минтақада тинчлик ўрнатиш ҳамда ҳудуд давлатлари миллий иқтисодиётларини тиклаш, қўшни давлатларнинг интеграциялашувини таъминлаш борасида халқаро Нобель мукофотига лойиқ десам, муболаға қилмаган бўламан...*

Шу маънода, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2018 йил март ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзуидаги халқаро конференция Ўзбекистоннинг афғонлараро тинчлик жараёнини фаоллаштиришга қўшган ҳал қилувчи ҳиссаси бўлди.

Ўзбекистон Президенти Тошкент конференциясида чиқиш қилар экан, Афғонистондаги можарони ҳал қилиш йўлларининг аниқ стратегик ёндашувларини кўрсатиб, «Расмий Тошкентнинг афғон сиёсати»га доир устувор йўналишларини белгилаб берган ва булар Афғонистон Ислом Республикасида тинчликни ўрнатиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш асосига айланганди.

«Тошкент декларацияси»нинг якдиллик билан қабул қилиниши форумнинг муҳим мантиқий якунига айланди. Зеро, унда Афғонистонда узоқ муддатли тинчлик ва барқарорликни ўрнатишнинг асосий принципларига нисбатан минтақавий ҳамда глобал даражада тўлиқ муроса ўз ифодасини топди...

Албатта, Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик жараёнини илгари суриш бўйича қандай роль ўйнаганини Қатарда бўлиб ўтган тадбир иштирокчилари холис ва ўз навбатида, эътироф этган ҳолда етарлича шарҳлашди. Шу боис, ҳозир ушбу тарихий музокаралар ва англашувнинг Ўзбекистон, қолаверса, минтақа ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири ҳақида қисқача тўхталиш жоиз, деб ўйлайман.

Бугунги глобал дунёда жаҳон бозорига чиқиш, у ердан ўрин эгаллаш жуда мураккаб масала эканини сиёсатчи ёки иқтисодчи бўлмаган одам ҳам яхши англайди. Шундай бир пайтда, Афғонистонда ўрнатиладиган тинчлик минтақа давлатларига катта имкониятлар ваъда қилиши мумкин. Хусусан, бу Марказий Осиё давлатлари учун шу пайтгача ёпиқ ва хатарли бўлиб келган жануб сари йўлни очади. Биламизки, жанубимизда биз ҳали тўлиқ ўзлаштирмаган, аҳолиси қарийб 1,5 миллиард нафар (Афғонистон, Эрон, Покистон, Ҳиндистон) бўлган иқтисодий бозор бор.

Бу, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ҳозирда биз аъзо бўлиш-бўлмаслигимиз кўриб чиқилаётган Евроосиё иқтисодий иттифоқи бозоридан аҳоли сони жиҳатидан бир неча баробар каттадир. Лекин таассуфки, қўшни мамлакатдаги узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган уруш минтақани бу имкониятлардан мосуво этди. Ва айнан шу манфий омиллар Афғонистонни кесиб ўтувчи кўплаб трансчегаравий лойиҳалар, жумладан, минтақани Форс кўрфази бандаргоҳларига олиб чиқадиган темир ва автойўл магистраллари, электр энергетикаси ва газ соҳасидаги йирик халқаро тоифадаги линияларнинг поёнига етишига халал бериб келганини бугун ҳамма билади. Масалан, бу ўринда минтақамиз учун ўта истиқболли ҳисобланган, бироқ бевосита «Афғон омили» сабаб тўхтаб турган энергетика ва газ экспортини кўзловчи CASA-1000 ва ТАПҲ (Туркманистон – Афғонистон – Покистон – Ҳиндистон газ қувури) лойиҳаларини келтириш мумкин.

Туркманистон бу йўналишда иш бошлаганига анча вақт бўлган. Бироқ ушбу линияни молиялашдан ташқари, афғон ҳудудидаги сиёсий беқарорлик айни лойиҳани амалга оширишда асосий муаммо бўлиб турибди.

Айрим экспертлар ТАПҲ ҳам CASA-1000 лойиҳаси сингари қурилиш тугагандан сўнг хавфсизлик билан боғлиқ жиддий муаммога дуч келади, деб қарашмоқда. Аслида, Афғонистон ҳукумати Туркманистон гази транзити учун 400 миллион долларга яқин пул олишни режалаштирган. Бунинг учун эса газ қувури тўлиқ ишлаши керак, аммо бугунгача бунга эришиш амри маҳол, деб қараб келинди. Мабодо йирик тушумлар мамлакатлар бюджетини тўлдирадиган ҳамда террорчилик ва экстремистик ташкилотларга қарши кураш йўлида ишлатиладиган бўлса, бу ўша ташкилотлар вакиллари ушбу инфратузилмага тез-тез ҳужум қилиб туришига туртки беради, деган тахмин ҳозиргача ўз кучида турибди.

Экспертлар фикрича, ТАПҲ тақдири муаллақлигича қолмоқда, чунки иккита асосий масала – уни ким лойиҳалаштириши ва Афғонистон ҳудудида газ қувури хавфсизлигини ким таъминлаши ҳамон ҳал этилгани йўқ. Бироқ АҚШ ва «Толибон» ҳаракати ўртасида эришилган келишув масаланинг ечимида муҳим роль ўйнаши мумкинлигини мутахассислар ва дипломатлар инкор этишмаётир. Келишувга кўра, АҚШ томони 10 мартдан қўшинларини олиб чиқиб кетишга старт берди. Натижада, афғон диёрида америкалик зобит ва аскарлар сони 13 мингдан 8,6 минг нафаргача қисқартирилади. Бунга келишув истиқболига умид уйғотадиган қадам сифатида қараса бўлади.

Энди иккинчи лойиҳа – CASA-1000 ҳақида. Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудида бу ишланма бўйича электр энергиясини узатишга мўлжалланган электр узатиш линиялари мавжуд. Айни вақтда шунга боғлиқ инфратузилма барпо этилмоқда. Бундан ташқари, CASA-1000ни қуриш учун кўп харажат талаб этилмайди, чунки иккала мамлакатда ҳам фойдаланиш мумкин бўлган «Шимол – Жануб» лойиҳалари тугалланган. Бошқача айтганда, Марказий Осиё ҳудудида зарур инфратузилма яратилиб бўлинган.

Бироқ бу ўринда ҳам яна «Афғон омили» ўртага чиқади. Табиийки, асосий тўсиқлардан бири Афғонистондаги вазият беқарорлигидир. Ушбу электр узатиш линияси ўтадиган мамлакат шимолида террорчилик ҳужумлари сони ортаётгани CASA-1000 қурилишини ортга сурмоқда. Дастлаб ушбу лойиҳада 300 мегаватт электр энергияси нинг афғон истеъмолчиларига берилиши назарда тутилган эди. Энди ушбу ҳажм Покистонга экспорт қилинади. Бинобарин, ушбу лойиҳа афғон халқи учун потенциал электр энергияси манбаидан расмий ҳукумат потенциал дивидендлар олишни мўлжаллаётган лойиҳага айланди. Бундай ҳолатда, экспертлар Кобул ҳукумати қонунийлигига путур етказиш учун террорчилик ташкилотлари CASA-1000ни ҳукуматга тазйиқ ўтказишнинг бош мақсадларидан бирига айлантириши мумкин, деб ҳисоблашмоқда.

Шу бир мисолдан ҳам қўшни давлатдаги сиёсий ва ҳарбий беқарорликнинг минтақа иқтисодиётига ва Марказий Осиё давлатлари миллий истиқболига етарлича рахна солиб келганини англаб олиш қийин эмас. Президентимиз бошлаган тинчлик йўли эса минтақа иқтисодиёти артериясини қирқ йиллик тиқинлардан тозалаб, Марказий Осиё томирларида худди бир пайтлардагидек «тоза қон» оқишини таъминлайди. Бу ўз кўлами ҳамда натижадорлигига кўра жуда улкан ишдир. Ва айнан шу жиҳатлари билан Президент Мирзиёевнинг бу тинчликсевар ташаббуси ва сиёсий жасорати минтақада тинчлик ўрнатиш ҳамда ҳудуд давлатлари миллий иқтисодиётларини тиклаш, қўшни давлатларнинг интеграциялашувини таъминлаш борасида халқаро Нобель мукофотига лойиқ десам, муболаға қилмаган бўламан...

Ной Таккер ҳам террорчилар орасига тушиб қолган адашган минтақадошларимизнинг катта қисми тирикчилик илинжида иш излаб хорижга чиққанлар ва тенгсизликдан аламзада бўлганлар, дея таъкидлайди ва буни тадқиқотида исботлаб беради. Шу маънода, Президентимизнинг ўз Мурожаатномасида мамлакатимизда камбағаллар қатлами бор эканини тан олиши ва буни йўқотиш чораларини кўриш ҳақида гапириши, биз хаёлга келтирмаган бир жиҳат – жамиятда турли ғаразли йўлларга кириб қолувчи адашган ёшлар сафининг камайишини ҳам таъминлайди, десак, масалага янада чуқурроқ ёндашган бўламиз, назаримда.

> *Шунча йиллар давомида Ўзбекистонга бош бўлган биронта раҳбар халқимизнинг асл ҳаёти, ижтимоий ночор қатламлари ҳақида бунчалик қайғурган эмас. Мен ушбу Мурожаатнома эълон қилинган мажлисда Президентнинг сўзларини кўзимда ёш билан тингладим. Бу шу юрт фарзандининг ўз халқи, ўз оға-иниси, опа-синглисига бўлган чексиз муҳаббати ва садоқати белгиси бўлди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.*

Президентимиз биз билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка олиб келган ушбу оғриқли масалани шундай тилга олди: «Ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда.

Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринларини яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир».

Юртбошимиз ташаббуси билан Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқиш бошланди. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усулларини қамраб олган янги методология яратилмоқда.

Президентимиз яқинда Хоразм вилоятига ташрифи чоғида «Биз ёлғон, баландпарвоз гапириб шу аҳволга келдик. Президентга ёлғон гапириш – Ватанга хиёнат», дея қатъий таъкидлади. Нафсиламбирини айтганда, вилоят ривожланиш даражасида ортда қолаётир. Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот республика кўрсаткичидан 1,5 баробар, саноат маҳсулоти ва хизмат кўрсатиш ҳажми бўйича эса 2 баробар паст. Энг ачинарлиси, ҳудудда 58 минг оила камбағаллик бўсағасида кун кечирмоқда. Шундан 856 таси ўта ночор аҳволда. Кўплаб одамлар ишлаш учун хорижга кетган. Буларнинг барчасидан келиб чиқиб, Хоразмда 200 минг иш ўрни яратиш зарур.

Давлатимиз раҳбари камбағалликни қисқартириш борасида аниқ таклифларни ўртага ташлар экан, аҳолини тадбиркорликка жалб этган ҳолда, янги корхоналар ва иш ўринларини яратиш, банкларни «лойиҳалар фабрикаси»га айлантириш зарурлигини белгилаб берди. 2,5 мингта бўш турган бинолар негизида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш, «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонасини янги лойиҳалар билан тўлдириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Мирзиёев биргина Хоразм вилоятида яқин уч йилда умумий қиймати 24 триллион сўмлик 2 минг 736 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 50 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилиши режалаштирилаётганини таъкидлади. Булар эса камбағалликни қайд этиш эмас, балки қисқартириш йўлидаги қатъий саъй-ҳаракатларнинг жадал бошланганини билдиради.

Буларни айтишдан мақсад нима дерсиз? Муддао шуки, мен Ўзбекистоннинг қарийб ярим асрлик тарихидан хабардор ва унда баҳоли қудрат у ёки бу вазифада иштирок этган бахтли инсонлардан бириман. Кўп йиллар партия ва совет органларида раҳбарлик лавозимларида ишлаганман. Ундан кейин Ўзбекистон мустақил давлат сифатида катта йўлни босиб ўтди. Бу даврда ҳам турли раҳбарлик лавозимларида ишладим, кўплаб шу даврга хос бўлган ўзига хос жиҳатларни кўрдим. Бироқ шунча йиллар давомида Ўзбекистонга бош бўлган биронта раҳбар халқимизнинг асл ҳаёти, ижтимоий ночор қатламлари ҳақида бунчалик қайғурган эмас. Мен ушбу Мурожаатнома эълон қилинган мажлисда Президентнинг сўзларини кўзимда ёш билан тингладим. Бу шу юрт фарзандининг ўз халқи, ўз оға-иниси, опа-синглисига бўлган чексиз муҳаббати ва садоқати белгиси бўлди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Биз буюк келажакни ростдан бунёд этишни мақсад қилиб, бунинг учун одамларнинг юзига ҳақиқат кўзи билан қарай бошладик. Назаримда, бугунги давлат сиёсатининг энг катта қудрати ҳам шунда бўлса, ажаб эмас.

АДОЛАТ ТАРОЗУСИ

Президент Мирзиёев ишга киришгандан буён энг кўп такрорлайдиган сўзлари АДОЛАТ, ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ жумлалари эканини бугун кўпчилигимиз англадик. Бу бежизга эмас. Халқни эшитмаслик, дардидан кўз юмиш, жамиятдаги «яра»ларни дока билан бекитиш уларни фақат газак олдириши мумкинлигини биз бугун кўрдик.

Шу маънода, Ўзбекистоннинг жамиятда камбағал қатлам мавжудлигини тан олиши ва буни бартараф этиш стратегиясини белгилашга киришгани, ўйлайманки, ниҳоятда тўғри қарор бўлди. Катта жасорат ва сиёсий ирода билан тан олинган бу муаммонинг ечими нафақат ушбу қатлам вакилларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, балки жамиятда тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий бизнесни йўлга қўйишни рағбатлантирувчи шарт-шароитлар яратишни ҳам тақозо этади.

Халқимиз «Қўлдан берганга қуш тўймас», дея бежиз айтмайди. Замон талабидан келиб чиқиб, энди аҳолида боқимандалик кайфиятини йўқотиш, ташаббусга, тадбиркорликка кенг йўл очиш чораларини кўриш лозим бўлади. Ва шу йўл орқали жамиятда узоқ йиллар илдиз отган тенгсизликка барҳам бериш, ночор оилалар сонини қисқартириш ва пировардида, фаровон жамият пойдеворини қуришга мустаҳкам замин яратилади.

Дарҳақиқат, биз жуда масъулиятли бир даврда яшаяпмиз. Бизнинг бугунги шижоатимиз фарзандларимиз, келгуси авлод тақдирини белгилаб беради.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Барчамиз бир тан-у бир жон бўлиб, якдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир халқмиз».

Дарҳақиқат, эзгу ниятларимиз, орзуларимиз улкан. Энди ушбу залворли сўзларни қоғозлардан амалиётга кўчириш, халқнинг бугунини, эртанги кунини янада яхшилашга жидду-жаҳд билан киришишимиз керак. Президентимизнинг ушбу Мурожаатномаси халқ олдида масъулият ҳис қилган ҳар бир раҳбардан, ҳар бир кўнгли уйғоқ ватандошимиздан масъулият ва фидойиликни талаб этади.

ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН КАМБАҒАЛЛИК

«Фуқаролар адолатсизликдан шикоят қилиши ва бу шикоятлар бир минтақада бошқасидан фарқ қилиши кутилмаган нарса эмас. Ушбу муаммоларга иқтисодиёти бой мамлакатлар ҳам, ривожланган демократик давлатлар ҳам дуч келади», дейди Марказий Осиёда ислом дини тадқиқотчиси Ной Таккер ўзининг «Худосиз терроризм: Марказий Осиёдаги радикаллашув ва радикаллашувга қарши кураш моделларини қайта кўриб чиқиш» деб номланган тадқиқотида.

Муаллифнинг таъкидлашича, Марказий Осиёдан Сурия урушига кўпчиликнинг ёлланиши у ерда вазиятларни музокара йўли билан ҳал этиш механизмлари йўқлигидандир. Шунинг учун минтақа ҳукуматлари шундай механизмни топишга ҳаракат қилиши керак. Ҳар қандай адолатсизлик ва тенгсизлик, камситиш ва коррупция моҳиятан том маънода сиёсий масаладир.

Ўзбекистонда Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келгач, «постсовет» ўтиш даври моҳиятан якунланди. Бироқ Мирзиёевга ўтган даврдан енгил «сиёсий мерос» қолди, десак, адолатсизлик қилган бўламиз. Биргина узоқ йиллар тан олмай келганимиз – камбағаллик масаласи жамиятдаги кўплаб иллатларга «хамиртуруш» бўлгани бугун аён бўлаётир.

Фарғона вилояти

Шукрона

Мурувватпешалик – халқимизга хос олижаноб фазилат. Бу ҳол Наврўз айёми кунларида янада теранроқ намоён бўлмоқда.

Оқибат айёми

Эркинжон НУРАЛИЕВ,
Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

Байрам муносабати билан Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан табаррук отахон-у онахонлар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, беморлар ҳолидан хабар олиниб, Меҳрибонлик, Мурувват ҳамда Саховат уйларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Сўнгги йилларда юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам эътирофга арзигулик ишлар амалга оширилди. Улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари натижасида кўплаб замонавий иншоотлар, меҳмонхоналар, тиббиёт масканлари, таълим муассасалари, кўп қаватли уйлар, истироҳат боғлари, спорт мажмуалари барпо этилди.

Фарғона – саноати ривожланган шаҳарлардан бири. Вилоятда бугунги кунда қарийб 400 га яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ушбу корхоналар Фарғона ҳаётини янгилашга, уни обод гўшага айлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Юртимиз бўйлаб олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар руҳи одамлар қалбига кўчиб, ватандошларимиз бунёдкорлик, ободлик сари интилмоқда. Кимга қулоқ тутманг, янгиланишлар, ўзгача шиддат билан кечаётган ҳаёт хусусида гапирмоқда. Бугун дунё билан бўйлашаётган Ўзбекистон ҳаётида сўнгги йилларда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Ҳеч бир муболағасиз, мамлакатимиз тарихида янги бир босқич бошланди. Инсон ҳуқуқи ва манфаатлари ҳимояси, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, замонавий шароитлардан ҳар бир инсоннинг тўлиқ баҳраманд бўлишига эришиш ислоҳотларнинг бош мақсадига айланди.

Албатта, юрт тараққиёти йўлидаги саъй-ҳаракатларга касаба уюшмалари ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Хусусан, истиқлолни мустаҳкамлаш, юртдошларимиз ҳаётига фаровонлик ва янгиланишлар олиб кириш борасида қатор хайрли тадбирларга қўл урилмоқда.

Хайр-саховат, инсонпарварлик ва мурувват халқимизга хос улуғ анъана. Айниқса, кўнгли ўксик инсонларга меҳр кўрсатиш, қалбини қувончга тўлдириш савоби улкан амаллар сирасига киради. Бу каби инсонпарварлик ва хайрли ишларда вилоят касаба уюшма ташкилотлари ҳам фаол иштирок этиб, минглаб оилаларга қувонч олиб кираётир.

Фараҳбахш кунларимиз, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида эришган ютуқ ва муваффақиятларимизнинг бош омили, бу албатта, тинчликдир. Наврўз байрамининг бугунги жозибаси ва шукуҳи ҳам, шак-шубҳасиз, ана шу бебаҳо неъмат туфайлидир.

Ҳикмат

Баҳор – инсон умрининг энг яхши ва шифобахш фаслидир.
Абу Али ибн Сино

Наманган вилояти

Сарҳисоб

Доимо халқ хизматида

Эрта баҳордан кўчат экиш, заминимизнинг ҳар бир қарич ерини дов-дарахтлар, гул-у райҳонларга буркаш – улуғ ва савобли иш. Касаба уюшма ташкилотлари ҳам ишчи-ходимлар манфаатлари ҳимоясидан ортиб, унга бош қўшаётгани таҳсинга лойиқ.

Шу кеча-кундузда Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоаси Янгиқўрғон туманидаги «Лола» болалар оромгоҳи ҳудудига 2500 тупдан зиёд манзарали ва мевали, 1000 тупга яқин атиргул кўчати ўтказиб, катта савобга қолдилар. Ниҳоллар томири заминга ўрнашган дамдаёқ боболаримиз таърифи билан айтадиган бўлсак, ҳар бир кўчат ўз эгасига саловат келтириб тургандек тасаввур уйғонди. Эрта бир кун кўкка бўй чўзган бу дарахтлар соясидан баҳраманд бўлган ёш-у қарининг раҳмати – савобларнинг энг яхшисидир.

Яна бир эзгу иш борки, у ҳам бўлса, хотин-қизлар ва ёшлар қатлами вакилларига ғамхўрлик қилишдир. Ана шу мақсадда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Чортоқ туманидаги бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда ишсиз, қўлида ҳунари бўлса-да, ҳали ўз йўлини тополмаган хотин-қизлар ва ёшлар учун меҳнат ярмаркасини ташкил этди. Унда 32 та ташкилот 500 дан зиёд бўш иш ўрни билан қатнашди. Тумандаги «Келажак сифат текстил» МЧЖ, «Мега голд текстил» корхонаси, «Мусо текстил» ишлаб чиқариш корхоналарига 80 нафар ёшлар ишлаш учун йўлланма олишди. Ана шундай ёшлар орасида 21 ёшли Дилдора Турсунова ҳам бор.

– Мен ишга жойлашган корхонада асосан эркаклар учун костюм-шимлар, болалар кийимлари тикилар экан, – дейди Дилдора. – Бунда тикувчиликдан хабарим борлиги менга қўл келди. Шу корхонада ишлаб, малакамни ошириб, келгусида ўзим ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиб, ёшларга янги иш ўринлари яратишни мақсад қилганман.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси шу кунга қадар аҳолини иш билан таъминлаш борасида вилоят меҳнат бошқармаси, шаҳар, туман бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда 70 дан зиёд бўш иш ўрни ярмаркаларини ўтказди. Уларда 3493 та корхона ва ташкилот 31942 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. 9000 нафардан зиёд фуқаро ишга жойлашган бўлса, 6467 нафарига тегишли маслаҳатлар берилди. Бундан ташқари, бирлашма кўмагида ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган шахсларга кўмаклашиш мақсадида 731 та корхонада банд қилиб қўйилган 6197 квоталанган иш ўринларига 4823 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Улар орасида таълим муассасаларини тугатган 3123 нафар ёшлар ҳам бор.

Бугун ёшлар қатламига кўмаклашишни энг асосий вазифалари сирасига киритган касаба уюшмаларидан келажагимиз эгалари бениҳоя миннатдор. Улардан бири «Касаба уюшмалари стипендияси» совриндори, Наманган давлат университети талабаси Дилфуза Тожаҳмедова.

– Келгусида бизни қўллаган «қўлларга» муносиб бўлишимиз керак, – дейди Дилфуза. – Бунинг учун эса тинмай ўқиб, ўрганишимиз ҳаётий заруратдир.

Бугун вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси тизимида 3068 та касаба уюшма ташкилотларига бирлашган 424 минг 192 нафардан зиёд ходим ва талаба ёшлар ижтимоий ҳимояга олинган. Ишчи-ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишда бирлашманинг меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилди. Ўтган йил якунлари бўйича вилоятдаги касаба уюшмалари қўмиталарининг фаолияти ўрганилиб, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоида ва меъёрларнинг бузилиши аниқланган 473 та ташкилотнинг 408 тасида йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилди.

Шунингдек, бирлашманинг юридик хизмат кўрсатиш йўналиши бепул ва тизимли йўлга қўйилган бўлиб, иш берувчи томонидан ноҳақ ишдан бўшатилган, ҳуқуқи топталган ёки бўлмаса, юридик ҳимояга муҳтож ҳеч бир ходим мурожаати эътиборсиз қолмаган. Бирлашмага фуқаролардан 230 дан зиёд мурожаат келиб тушган бўлиб, шулардан 70 дан зиёди ёзма, қолганлари оғзаки, электрон ва ишонч телефонлари орқали қилинган мурожаатлардир. Мазкур мурожаатлар ўз вақтида, белгиланган тартибда ҳал этилиб, шулардан 90 га яқини қаноатлантирилган, 119 таси тушунтириш орқали ҳал этилган, қолганлари тегишли тартибда ўрганиб чиқилган.

Иш берувчиларга қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этилиши юзасидан ўнга яқин тақдимномалар киритилган ва иш берувчилар томонидан қаноатлантирилган. Иш берувчилар билан олиб борилган музокаралар давомида 20 нафарга яқин ишчи-ходимнинг мурожаатлари ижобий ҳал этилди. Шу билан бирга, 30 нафарга яқин фуқаронинг манфаатлари ҳимоя қилиниб, судларда иштирок этилди. Меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган 20 нафар ходим ишга тикланди. Ана шундайлар орасида Наманган шаҳридаги 49-мактаб ўқитувчиси Рухшона Эшмирзаева ҳам бор.

– Мурожаатим эътиборсиз қолмаганидан, ишимга қайта тикланганимдан, оиламга ўз меҳнатим билан ёрдам бераётганимдан хурсандман, – дейди у. – Илгари касаба уюшмалари тизимининг фаолиятини унчалик яхши тушунмас эдим. Бугун уларнинг биз каби ишчи-ходимлар ҳимояси йўлида доимо камарбаста эканини янада яхшироқ англаб етдим.

Яхши дам, меҳнатга ҳамдам, дейди доно халқимиз. Бирлашманинг ижтимоий суғурта бюджети ҳисобидан ўтган йил давомида 1784 нафар ходим сиҳатгоҳларда дам олдирилиб, соғломлаштирилди. Шунингдек, аъзолик бадаллари ҳисобидан 1960 нафар ишчи-ходим ва уларнинг оила аъзоларини санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштиришга 2812249,7 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Барча эзгу амаллар ниятларга боғлиқ, дейишади. Доимо халқ хизматида камарбаста бўлиш, меҳнаткашлар оғирини енгил қилиш, уларга елкадош бўлишни ният қилган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг келгусидаги қамрови бундан-да кенгайишига, унга ишонганларнинг ишончини оқлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ўз ижобатини топишига шубҳа йўқ.

Орзугул РУСТАМОВА,
«Ishonch»

Табрик

Наманган вилояти

Ибрат йўллари

КИМГАДИР қўлинг билан, илминг билан, касбинг билан ёрдам беришнинг гашти бор

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши «қаноти остида» 100 га яқин бошланғич касаба уюшма ташкилоти бўлиб, 8000 нафардан зиёд аъзолар манфаатлари ҳимоя қилинади.

Асосий эътиборни тармоқ меҳнаткашларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясига қаратган ташкилот кам таъминланган, кўп болали ва ёш оилаларга моддий кўмак беришда ҳам бош-қош бўлмоқда.

– Кимгадир қўлинг билан, кимгадир билиминг билан, яна кимгадир касбинг орқали ёрдам беришнинг ўзига яраша гашти бор, – дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси Зулхумор Ҳожиматова. – Шу ўринда, айниқса, ишловчи аёллар ва уларнинг меҳнат жараёнида касалликка чалинишининг олдини олиш, ишчи хотин-қизларнинг ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтаётганини доимий назорат қилиб бориш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасидаги ишларимизни бунга мисол келтирсак, ўринли бўлади.

Тармоқ тизимида фаолият юритаётган ходимларнинг ижтимоий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида корхона ва ташкилотларда имзоланган жамоа шартномалари ва келишувлари орқали икки ёшдан уч ёшгача бола парваришида бўлган ёш оналарга моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақтини ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланиши ҳам тизимда ишловчи аёллар учун яна бир енгилликдир.

Шунингдек, шаҳар кенгаши тизимидаги корхона ва ташкилотларда самарали фаолият юритаётган, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшаётган фаол хотин-қизларни рағбатлантириш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, намунали ҳаёт йўли билан барчага ўрнак бўладиган хотин-қизларни шарафлаш мақсадида АСМ тармоғининг Наманган шаҳар кенгаши касаба уюшмаси бюджетидан 6 миллион сўм миқдорида маблағлар сарфланди.

Шаҳар кенгаши тизимида кўп йиллар ишлаган меҳнат фахрийлари ва ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олиш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, дуоларини олишни кундалик амалга айлантирган Зулхумор опанинг фидойилиги ҳам таҳсинга лойиқ. У АСМ ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда ишловчи меҳнаткашларнинг фарзандларини ҳар йил ёзги таътилда бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун Норин туманидаги «Норин», Янгиқўрғон туманидаги «Камалак», Чуст туманидаги «Баркамол авлод», Косонсой туманидаги «Соҳил» болалар оромгоҳларида соғломлаштиришга кўмакдош бўлади.

– Имкон қадар одамлар орасида бўлсанг, уларга кўпроқ яқинлашсанг, сенга ишончи ортаверар экан, – дейди Зулхумор опа. — Идорада ўтириб, қуйи тизимлардан соҳага оид ҳисоботларни олиб ишлаш касаба уюшмалари тизимига ярашмайди. Бу тизимда ишлайман, деган борки, хонанишинликдан воз кечиши, ишчилар дардига ҳамнафас бўлиши, ҳар кунини меҳнаткашлар манфаатига бағишлай олиши зарур.

Зулхумор опа бошчилигида касаба уюшма гуруҳлари, цех ва бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари, жамоа шартномаларининг бажарилишига оид конференциялар ҳеч бир ҳолатда юзаки, зўрма-зўраки тарзда ўтказилмайди. Чунки бу ҳисобот-йиғилишларининг барчасида ишчилар манфаатлари туришини раис сифатида яхши англайди. Кенгаш томонидан жойларда ўтказилган бу каби йиғилишлар, унинг ўтказилиши доимий назорат қилиб борилади. Шу кунга қадар тармоққа қарашли вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси, вилоят мелиорация экспедицияси, «Норин-Сирдарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, «Уруғчиликни ривожлантириш маркази» ДУК Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси, шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими ва бошқа бир қатор касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари юқори савияда ўтказилди. Унда ютуқлар билан бир қаторда мавжуд муаммолар ва камчиликлар ҳам муҳокама этилди. Асосий вазифа, энг аввало, ходимлар манфаатларини қўллаб-қувватлаш эканидан келиб чиққан ҳолда, янги қабул қилинаётган жамоа шартномаларида бунга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Йиғилишларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга мос равишда касаба уюшмаларининг долзарб вазифалари ҳам белгилаб олинди.

– Ташкилотимиз хизматидан фойдаланган, биздан кўмак олган кишининг юз-кўзидаги самимий хурсандчилигини кўрганимда, шу тизимда кўп йиллар ишлаётганимдан, кўпга нафимиз тегаётганидан осмон қадар юксаламан десам, муболаға бўлмайди, – дейди Зулхумор опа. – Боғни боқсанг боғ бўлур, дейди доно халқимиз. Бизнинг аъзоларимиз бизнинг ниҳолларимиздир. Уларни парвариш қилиш, кўкка бўй чўзишларида имконият яратиб беришдек масъулиятли вазифани бизга ишониб топширган экан, бу йўлда бор куч-ғайратимизни сарфлашнинг ўзи бир бахт.

Орзу БУРҲОНОВА

Самарқанд вилояти

Касаба уюшмаси аралашгач...

Барҳам топаётган тушунмовчилик

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти ташкилотлари бирлашган қўмитасига меҳнат қонунчилиги бузилиши, иш ҳақи, моддий ёрдам, тўланмаган компенсация тўловларини ундириб бериш билан боғлиқ эътирозлар келиб тушмоқда. Бундан ташқари, давр талабидан келиб чиққан ҳолда, касаба уюшмаларига аъзо бўлмаган фуқароларга ҳам моддий ёрдам, уй-жойини таъмирлаш, соғлиғини тиклаш, санаторийлар йўлланмалари олиш каби масалаларда кўмаклашилмоқда.

Ўтган давр мобайнида тармоқ тизимида меҳнат қилаётган, қарилик ва ногиронлик нафақасида бўлган 20 нафардан ортиқ кишининг манфаатлари тикланди. Хусусан, Самарқанд шаҳридаги 129-автокорхона МЧЖда ишлаганига қарамай, корхона тугатилгандан сўнг, 40 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақи тўлаб берилмаган Д.Нуруллаев ва 12 нафар ходимнинг мурожаати ўрганилиб, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси орқали фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судига даъво аризаси киритилиб, фуқароларнинг манфаатлари тикланишига эришилди.

Самарқанд шаҳридаги «Пардозлаш ишлари бошқармаси» МЧЖда ишлаш давомида касб касаллигига чалиниб, 2-гуруҳ ногирони бўлган М.Аметова бир неча маротаба ариза билан мурожаат қилди. Унга 2 миллион сўмдан ортиқ компенсация ва моддий ёрдам пули ундириб берилди. Сиҳатгоҳ йўлланмаси ажратилишига кўмаклашилди.

Тармоқ тизимидаги Челак транспорт касб-ҳунар коллежи ходими Т.Сатторов билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилингандан сўнг, фойдаланилмаган меҳнат таътили ва компенсация тўловлари тўлаб берилмагани ҳақидаги мурожаат ҳам атрофлича ўрганилди. Коллеж ҳисобчиси томонидан Меҳнат кодексининг 110-моддаси 2-банди 2-хатбошига асосан меҳнат шартномасини бекор қилиши ҳақида иш берувчини огоҳлантириши шарт бўлмаган ходимга ишдан кетган кунининг эртасидан кечиктирмасдан тўланиши лозим бўлган тўловлар ўз вақтида тўлаб берилмагани аниқланди. Қонун талаблари асосида коллеж директори номига киритилган тақдимнома асосида мазкур камчилик бартараф этилди.

Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти ўқитувчиси, 2-гуруҳ ногирони, ёлғиз она Р.Болиева дарс соатлари 0,25 ставкага тушиб қолгани сабабли ставкасини ошириб беришни сўраган эди. Маъмурият билан келишган ҳолда, унинг дарс соатлари дастлаб 0,75, кейинчалик эса 1 ставкага кўтарилди.

Фаолияти тугатилиб, ходимлари ишдан бўшатилган Оқтош қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежининг бир гуруҳ ходимлари компенсация тўловлари тўланиши ва иш билан таъминлашни сўраб қилинган мурожаат вилоят касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси ходимлари иштирокида ўрганилди ва Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси орқали мурожаат муллифлари 59 ёшга тўлган Ю.Бекмуродов ва 53 ёшга тўлган О.Қиличеваларни «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган «Ёшга доир пенсияларни муддатидан олдин тайинлаш» масаласини кўриб чиқиш ҳамда иш билан таъминланмаган фуқаролар Р.Ҳайдаров, М.Назаров, М.Исаева, Ю.Рустамов ва Р.Тоштемирова ва бошқаларни иш билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисида туман бандликка кўмаклашиш марказига хат юборилди.

Ҳудуддаги 29 та транспорт, қурилиш ва йўл қурилиши соҳасидаги корхона, ташкилот ва муассасалари бириккан ҳолда ташкил этилган вилоят бирлашган касаба уюшма қўмитаси айни чоғда 150 дан ортиқ ташкилотда меҳнат қилаётган 15000 нафардан ортиқ ходим ва талабанинг манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда.

Тармоқ касаба уюшмалари тизимида вилоятнинг 137 та транспорт, қурилиш ва йўл соҳаси корхона-ташкилотлари, 1 та олий ва 12 та ўрта-махсус ўқув юртлари бошланғич касаба уюшмалари фаолият юритмоқда.

Аммо қониқиш ҳосил қилишга ҳали эрта. Чунки ишлаб чиқаришда рўй бераётган бахтсиз ҳодисалар, айниқса, оғир турдаги ва ўлим билан тугаётган бахтсиз ҳодисаларнинг аксарияти қурилиш ва транспорт ташкилотлари улушига тўғри келаётгани ҳам тасодифий ҳол эмас. Бунинг асосий сабаби ўша ташкилотларда ишчи-ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнат муҳофазаси борасидаги ишлар тўғри йўлга қўйилмаганидадир.

Бирлашган касаба уюшма қўмитаси қатор ташкилотларда бўлиб, муттасил аъзолик афзалликларини тарғиб этиб келмоқда. Деярли ҳар ойда 20-25 та қурилиш ташкилотидаги ҳолат билан танишилмоқда. Аксар иш берувчилар турли баҳоналарни рўкач қилиб, ходимлар меҳнати муҳофазаси, унга меҳнат талаблари даражасида шарт-шароит яратишдан ўзларини олиб қочаётгани ҳам бор гап. Натижада ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифлар жавобсиз қоляпти.

Айтмоқчи бўлган гапимиз шуки, иш берувчи билан ишчи-ходим ўртасидаги муносабатнинг тўғри шаклланишида касаба уюшмасининг аҳамияти катта. Буни эса ҳамма ҳам тўғри англаяптими?

Сирожиддин ИЗЗАТУЛЛАЕВ,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти ташкилотлари бирлашган қўмитаси раиси

Қашқадарё вилояти

22 март – Маҳалла тизими ходимлари куни

Момосулув Бердиқулова ўн беш йилдирки, «Чироқчи» маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилиб келмоқда. Ҳар сафар сайлов бўлганида маҳалладошлар уни раисликка қайта сайлайди. Икки сафардан буён сайловчилар Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлиги учун унга ишонч билдиришмоқда.

Кайвони

Ҳўш, опанинг қандай иш услуби борки, маҳалладошларининг меҳрини қозонмоқда?

– Опа маҳалла аҳли билан кўп мулоқот қилади, – дейди биз билан суҳбатда шу маҳаллада яшовчи, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Чироқчи тумани кенгаши раиси Шавкат Бузруков. – Унинг ҳаракати билан қанчадан-қанча нотинч, бузилиб кетиши мумкин бўлган оилалар сақлаб қолинди. Буни, мана, биз биламиз. Ҳаётий бой тажрибаси, кенг мушоҳадали, кайвони экани унга асқотади.

Момосулув опа маҳалласидаги кам таъминланган, ишсиз фуқаролар билан мулоқот қилар экан, уларни кам фоизли кредитлар олишга, паррандачилик, иссиқхона, чорвачилик, тикувчилик ва бошқа шунга ўхшаш фаолият турларига жалб қилиб келмоқда. Биргина 2019 йилда 50 нафар маҳалла аҳлига кредит олишда кўмаклашди, бугун уларнинг рўзғорига ободлик, барака кираётир. Жумладан, Муқаддас Раҳимова, Гулнора Холиқова, Зебо Мейлиева олган кредитига тикиш машинаси харид қилди, ҳунари ортидан ишли бўлди. Насиба Норматова, Зулхумор Жўраева тўрттадан қўй олишганди. Айни пайтда қўйлар қўзилаган, эрта бир кун рўзғорнинг кам-кўстига яраши аниқ.

– Президентимиз Қашқадарёга ташрифи чоғида халқ билан мулоқот ўтказганида Чироқчи туманида янги иш ўринлари яратиш учун амалий ёрдам беришини сўрагандим, – дейди Момосулув опа. – У кишининг тавсиялари билан 2019 йилда туман марказида пайпоқ, тикувчилик, ҳар хил совун ва тозалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, мебел корхонаси ишга тушди ва 200 нафарга яқин киши ишли бўлди. Бундан ташқари, тадбиркор Тўлқин Шайманов «Ground mix products» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, қурилиш-пардозлаш маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини ўзининг мос ва хос идорасига эга бўлиши ҳақида тавсиялар берганди. Шунга кўра, тадбиркор Улуғбек Жўраев кўмагида маҳалла идораси ва «Бешта ташаббус маркази» бунёд этилмоқда. Бунда кенг ва қулай МФЙ биносидан ташқари кутубхона, спорт зали, мусиқа ва санъат тўгараги хонаси, тикиш-бичиш цехи, компьютер сабоқлари ҳамда сартарошхона ташкил этилади.

Айни пайтда туман ҳокими қарори билан ер майдони ажратилди. Лойиҳа тайёр. Насиб бўлса, Мустақиллик байрами арафасида маҳаллада гўзал ва муҳташам «Беш ташаббус маркази» иш бошлайди.

Момосулув опа тиниб-тинчимас раис, халқпарвар депутат бўлишдан ташқари, ибратли оила бекаси ҳамдир. Катта ўғли Акмал туман архив бўлимида ишласа, ўртанчаси Алишер тадбиркор, кенжаси Аброр мактабгача таълим бўлимида фаолият олиб бормоқда. Келинларининг ҳар иккиси ўқитувчи. Қизи – ҳамшира.

– Маҳалламизда ётиб қолган қариялар бор. Бугун ўн бир нафарининг уйига кириб, ҳолаҳвол сўраб чиқдим. Эртага яна ўн нафариникига кираман. Бемор кишига озгина эътибор ҳам далда бўлади. Керак бўлса, соғайишига кўмаклашади. Шу боис, маҳалламдаги тадбиркорлар ҳам менинг ушбу таклифимни қўллаб-қувватлашяпти, – дейди кайвони опа бугунги ишларини сарҳисоб қилар экан...

Хулоса сўзимиз шуки, опа яхшилик йўлида чарчаш нималигини билмайди. Кун бўйи эл дардида, эл орасида. Чунки у тотувлик ва ободликнинг калитини ҳаракат ва ўзаро меҳр-оқибатда деб билади...

Камол ЎРОЛОВ

Бу ҳаётнинг кўп оғир синовларини ва яхши-ёмон кунларини бошидан кечирган халқимиз ҳаммасини тўғри тушуниб, масалага онгли ёндашмоқда. Миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳаммамиз якдилмиз ва, ишонамизки, бу қийинчиликлар, албатта, ўтиб кетади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

БИРДАМ БЎЛСАК, ЕНГАМИЗ!

ДУОЛАРДА ШИФО СЎРАЛДИ

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ташаббуси билан имом-хатиблар ва имом ноиблари 20 март куни «Нажот сўраш» намозини адо этиб, ибодатлардан сўнг «Солатун ножия», «Солатун нория», «Ҳасбуналлоҳу ва ниъмал вакил» каби дуолар ва илтижолар қилишди.

ЎЗИГА ХОС ЧЕЛЛЕНЖ

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги юртдошларимиздан ўз саломатлигига эътиборли бўлишларини сўраб, ўзига хос челленж бошлади. Бу челленж тиббиёт соҳаси ходимлари томонидан ўзига хос тарзда давом эттирилмоқда.

ХАЙРЛИ АКЦИЯ

Самарқанд шаҳридаги деҳқон бозорлари ва аҳоли гавжум масканларда «Мерос фарм» масъулияти чекланган жамияти томонидан аҳолига бепул тиббий ниқоб тарқатилди.

САЙЁР СУДЛАР ТЎХТАТИЛДИ

Олий суд раёсати томонидан қабул қилинган қарорга кўра, коронавирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон судларида фуқароларнинг шахсий қабули, сайёр суд мажлислари тўхтатиб турилади.

КАРАНТИНДАГИЛАРГА РУХСАТ БЕРИЛДИ

Карантинга олинган фуқароларнинг салкам 7 минг нафарига жавоб берилди.

ХИТОЙ БИЛАН ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлигида Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирликлари вакиллари иштирокида видеоконференция бўлиб ўтди. Унда хитойлик экспертлар Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими вакиллари билан ўтказилган видеоконференцияда мамлакат янги коронавирус инфекциясига қарши қандай кураш олиб боргани ҳақида батафсил маълумот берди.

МУТАХАССИСЛАР КЕЛАДИ

Ўзбекистонга Хитойдан коронавирус бўйича мутахассислар келади.

ИНТЕРНЕТДАН БЕПУЛ ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТИ

Коронавирус тарқалишига қарши кураш бўйича амалга оширилаётган ишлар доирасида «Ўзбектелеком» АК ўзининг симли Интернет ва мобил алоқа («ЎзМобайл» филиали) абонентлари учун карантин даврида қатор оммавий ахборот воситалари сайтлари ҳамда таълим манбаларидан бепул фойдаланиш, шунингдек, мобил алоқа абонентлари учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ягона «1003» қисқа рақамли ишонч телефонига бепул қўнғироқларни амалга ошириш ҳамда «ZiyoNET» хизматидан бепул фойдаланиш имкониятини тақдим этди.

РЕСПУБЛИКА МАХСУС КОМИССИЯСИ АХБОРОТИ

Коронавирус кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз ҳудудида беморлар ёки касалликка шубҳа қилинган шахсларни ўз вақтида аниқлаш ва республика бўйлаб касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида, шунингдек, мажлисда кўрилган бошқа масалалар юзасидан республика махсус комиссияси йиғилишининг қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, 21 мартдан эътиборан барча ҳудудларда фаолият юритаётган кўнгилочар объектлар, шу жумладан, тунги клублар, дискотека, спа ва массаж салонлар, чойхона, ошхона (уйга элтиб бериш хизмати бундан мустасно) караоке, бильярд заллари, чилим (кальян) марказлари ва компьютер ўйинлари хизматини кўрсатувчи тадбиркорлик фаолияти турлари коронавирус касаллиги билан боғлиқ эпидемиологик ҳолат барқарорлашгунга қадар тўхтатилади.

Шунингдек, 23 мартдан бошлаб «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, мамлакатимиз фуқаролари соғлиғини ҳимоя қилиш мақсадида тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросим сингари оммавий тадбирлар ўтказилиши бекор қилинади. Ушбу маросимларни зарур бўлган тақдирдагина ихчам ҳолда, яқинлари билан бирга 10-15 киши иштирокида ўтказиш тавсия этилади.

Мажлисда айни пайтда чет элларда бўлиб турган фуқароларни мамлакатимизга қисқа вақтлар ичида олиб келиш ва уларни белгиланган тартибда 14 кун карантинда сақлаш юзасидан кўрилаётган чоралар атрофлича муҳокама қилинди.

@koronavirusinfouz

ЎЗБЕКИСТОН КОРОНАВИРУС ХАВФИГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ КУРАШМОҚДА?

1. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 19 март куни «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонни имзолади.

2. Молия вазирлиги ҳузурида 10 триллион сўм миқдоридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди.

3. Йил якунига қадар солиқ текширувларига мораторий эълон қилинди.

4. Якка тартибдаги тадбиркорлар учун ижтимоий солиқнинг ойлик энг кам суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизига қадар камайтирилди. Коронавирус таъсири энг юқори бўлган иқтисодиёт тармоқларидаги корхоналарнинг кредит муддатлари узайтирилди, туристик йиғимлар ундириш вақтинча тўхтатилди.

5. Ҳокимларга иқтисодий қийинчиликка дуч келган корхоналардан солиқларни ундиришни 6 ойгача кечиктириш ваколати берилди.

6. Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида маҳаллаларга қўшимча инфратузилма объектлари қуриш учун 200 миллиард сўм ажратилди. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига 500 миллиард сўм қўшимча маблағ берилиб, иш ўринлари яратадиган бизнес субъектларига кўмаклашилади.

7. Карантинга ёпилган муассасалар ходимлари, карантиндаги фуқаролар ва уларга қаровчиларнинг ҳуқуқлари таъминланади, ижтимоий нафақа олувчилар сони камида 10 фоизга ёки 60 мингтага оширилади.

8. Юртимизда коронавирусга қарши курашиш ишларига жалб этилган тиббиёт ходимларининг ойлик маошига қўшимча 120 фоиз устама тўланади.

Дунё сиёсатчилари коронавирус ҳақида

Биз Америка халқини ҳимоялаш учун федерал ҳукумат ҳамда хусусий секторнинг барча кучларини жалб қиламиз.

Бу замонавий тарихда чет эл вирусига қарши мисли кўрилмаган энг тажовузкор ва кенг қамровли ҳаракатлар бўлади. Ишончим комил: ушбу қатъий чораларга таяниб ва уларни давом эттириб, биз фуқароларимиз учун хавфни сезиларли даражада камайтирамиз, натижада ушбу вирус устидан тез ва самарали ғалаба қозонамиз.

Ўтган ҳафта мен Касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш маркази ва бошқа давлат идораларини 8,3 миллиард доллар миқдорида қўшимча молиялаштириш тўғрисидаги қонунни имзоладим. Ушбу маблағ вирусга қарши курашиш, вакцина яратиш, даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва тиббий буюмларни тарқатиш учун сарфланади.

Доналд ТРАМП,
АҚШ Президенти

* * *

Ғарб давлатлари эпидемиядан жабр кўрганларни ўз ихтиёрига ташлаб қўйди ва ўзларини «ким қўлидан келса, ўша омон қолсин» принципи бўйича тутмоқда. У ерда йиллар давомида ўз фуқаролари ҳақида қайғурилмаган, давлатнинг асосий хизматлари хусусий сектор ихтиёрига топширилган. Энди Европа давлатлари уларни миллийлаштиришга ўтмоқда.

Ражаб Тоййиб ЭРДОҒАН,
Туркия Президенти

* * *

Ҳозир бизда бу ёвузликнинг камлигига сабаб шуки, биз энг яқин контурда иш олиб боряпмиз. Ҳатто қандайдир вируслар, нафақат коронавирус пайдо бўлганида, балки бунга зиғирдек шубҳа уйғонгандаёқ ишлашни бошлаяпмиз. Агар унга тегишли бўлса, агар одам қаердадир бўлиб келган бўлса, биз уни текширамиз! Коронавирусга шубҳа туғилгани учунгина эмас, балки фақат чет элда бўлгани учун. Унинг атрофидагиларни ҳам текширамиз. Бу нарса Италияда қилинмаган эди. Бу ЖССТнинг маълумотлари. Италия биринчи, иккинчи босқичларда ишламади. Касал аниқлагандан кейин даволашни бошлашди.

Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларусь Республикаси Президенти

* * *

Хитой қатъий маъмурий чоралар туфайли коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олди. Хитой қаттиққўл маъмурий ресурсга таянди. Италияда эса вазият мураккаб, чунки у ерда соғлиқни сақлаш тизими ривожланган Европа давлати учун муносиб даражада эмас.

Геннадий ОНИШЕНКО,
Россия давлат думаси депутати, академик.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Фарғона вилояти

Данғара туманидаги «Аюбхон текстил» МЧЖда тиббий ниқоблар ишлаб чиқарилиб, аҳолига ва тиббиёт муассасаларига бепул тарқатилмоқда.

Бор бўл, оқибат!

Саховат намунаси

– Мана шундай синовли кунларда ҳаммамиз бир тан-у бир жон бўлишимиз керак, – дейди корхона раҳбари Дилшода Усмонова. – Бугун чинданам тиббий ниқобларга талаб катта. Шундан келиб чиқиб, корхонамизда тиббий ниқобларни ишлаб чиқаришни бошладик. Албатта, ниқобни фойда кўриш учун эмас, балки одамларга бепул тарқатиш учун ишлаб чиқаряпмиз. Мақсадимиз – озми-кўпми, халқимиз саломатлигига ўз ҳиссамизни қўшиш.

Унинг бу хайрли иши бугунги синовли кунларда бир-икки сўмлик бўлиб оламан деб, тиббий ниқобларни отнинг калласидек қилиб сотаётган айрим «тадбиркорлар»га ўрнак бўлмоқда.

Айни вақтгача 10 мингта ниқоб бепул тарқатилди.

Маҳбубахон МУҲАММАДИЕВА,
Данғара туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

Фикр

Тилда эмас – дилда бўлсин!

«Коронавирус» деган офат юртимизга кириб келди. «Элга келган тўй», дейишади. Худо хоҳласа, бу кунлар ҳам ўтади-кетади. Лекин баъзи «ишбилармон»лар елкама-елка туриб, бирдамликда бу офатни енгиш ўрнига ҳар хил миш-мишлар тарқатиб, чўнтакларини қаппайтиришга «бел боғлади»лар. Тилида «худо» дейди-ю, дилида мўмайгина даромад олиш илинжи...

Оммавий ахборот воситалари-ю, ижтимоий тармоқлар вирусга қарши курашда фойдаси тегадиган сабзавот (кўк пиёз, саримсоқпиёз)ларнинг нархи ошиб бораётгани ҳақида хабар бермоқда. Гигиена воситаларининг нархи ошиши баробарида «анқо»нинг уруғига айланиб қолди.

Кеча ўзим шу «миш-миш»ларнинг гувоҳи бўлдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, «Авиасозлар» деҳқон бозорига тушиб, картошка тополмадим. Ёнғоқдай келадиган картошкаларнинг 3 килограммини 10 минг сўм, 1 килограммини 3,5 минг сўм деб ўтиришибди. «Элга хизмат» шохобчалари юк машинасида картошка сотмоқда. Яқинига бориб бўлмайди. Ҳар бир юк автомашинасининг олдида эллик-олтмиш киши навбатда турибди.

Шуларнинг ёнида яна бир юк автомашинаси юки билан турибди, лекин нимагадир у «картошка»сини сотмаяпти. Одамларнинг хархашасидан сўнг, битта қопини тушириб очди. 3-4 килограмм олиш ниятида яқин бориб қарасам, картошкалар музлаган. Куннинг иссиқлигига секин-аста эриб, суви чиқяпти. Хуллас, мисол келтирадиган нарсалар кўп. Фақат «ВИЖДОН» йўқ.

Азиз юртдошим! Ҳурматли тадбиркорлар!

«Коронавирус» фақат харидорнинг бошига келмади, уларнинг ичида ўзингиз ҳам борсиз. Шуни ёдингиздан чиқарманг! Тилни ҳам, дилни ҳам бир қилиб, касалликка қарши қатъий курашайлик. Ана шунда ҳаммаси жойига тушади.

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА,
«ISHONCH»

КУН ҚАҲРАМОНЛАРИ

Коронавирусга чалинган беморларга тун-у кун хизмат кўрсатаётганлар – Республика Вирусология илмий текшириш институти клиникаси бош врачи, тиббиёт фанлари доктори Муҳайё Асилова (марказда) ва унинг аҳил жамоаси.

Фотолавҳа

Мушоҳада

Ўзимни, ҳам сизни ўйлаб...

Вирус ваҳимаси ва огоҳликнинг оддий қоидалари ҳақида мулоҳазалар

Эрта тонгда анҳор бўйлаб пиёда юриш одатим бор. Бугун ҳам саҳарги сайрдан қайтаётгандим, олдимдан қўшним чиқиб қолди. Мени кўрди-ю, кучоқ очди:

– Ассалому алайкум!

Мен эса қўлимни кўксимга қўйдим-да, саломга алик олдим:

– Ваалайкум ассалом! – сўнгра изоҳ бердим, – Сал шамоллабман, шекилли, узр-а?

Қисқа суҳбатдан сўнг ўйланиб қолдим: мени қандай тушунди экан? Ичида мендан ижирғанди, деб ўйламадими, ишқилиб?..

Бироқ, тўғри йўл тутганимга ишончим комил эди. Ҳа, албатта. Ҳозир карантин даврида яшаяпмиз. Коронавирус туфайли. Бундай ҳолатни олдин кўрмаганмиз. Яшамаганмиз. Умуман, тарихимизда таълим муассасаларида карантин таътили берилмаган.

Дунёнинг мана-ман деган давлатлари бу офатда дабдурустдан нима қиларини билмай қолаётганини кўриб, турли хаёлларга боради одам. Дарҳақиқат, одамзод ўз бўйи-бастига қарамай сакраб бошлаганини кўрдик, кўникиб қолган жойларимиз ҳам бўлди. Кимлардир қарғишлардан кўрқмай қўйган эди, яна кимдир сал бўлмаса, Худоликни даъво ҳам қила бошлаганди...

Бугун эса кўряпмизки... Ҳеч ким Аллоҳнинг измидан ташқарига чиқа олмас экан...

Таассуфки, мамлакатимизга ҳам вирус кириб келди. Давлат ва ҳукумат тегишли чораларни кўрмоқда. «Элга келган тўй» дейди бундай вазиятни кўрган донишманд халқимиз. Аммо халқнинг яна бир нақли ҳам борки, сақланганни асрайди...

Хўш, оддий халқ – сиз-у биз бундай ҳолатда нечоғли тўғри «яшаяпмиз»? Соғлиқни сақлаш вазири, Санитария эпидемиологик осойишталик агентлиги раҳбарининг кунда-кунора фуқароларга бераётган тушунтиришлари, эълон қилинаётган маълумотлар оқими бизга қанчалик таъсир қиляпти? Биз булардан ва вирус пайдо бўлиб, шу кунгача не-не мамлакатларни довдиратиб қўйганидан тўғри хулоса қиляпмизми? Нималарни нотўғри қиляпмиз? Нималарни зудлик билан амалга оширишимиз керак? Ўйлайманки, бундай пайтда кўп нарсаларни таҳлил қилиб, ҳар бир қадамимизни яхшилаб ўлчаб босишимиз, бу синовдан муносиб ўтишимиз лозим.

Асл ҳаётда эса... Афсуски, шаҳар кўчаларини кузатган одам бунинг мутлақо тескарисини кўрмоқда. Эсингиздами, яқин ойлар ичида Хитойдаги Ухан шаҳрининг бўм-бўш кўчаларини телевизорда кўрсатишган эди. Кеча мен ижтимоий тармоқларда Талабалар шаҳарчасининг фотоларини кўриб, шуларни ўйладим... Кўряпсизми, францияликлар ўз уйларидан чиқмай яшашмоқда... Эшитдингизми, энг қудратли Америкада фавқулодда ҳолат...

Ҳа, кўряпмиз, эшитяпмиз, аммо хулоса қиляпмизми?..

Энди эса ҳаётга ҳаққоний қарайлик: вирус қандай юқади? Масофа яқин бўлса ва оғиздан сачраган тупук ёки аксириш ва йўталишда тушадиган сўлаклар орқали. Бирор буюм, ишлатиладиган сочиқ, иш столи, эшик ушлагичи, ҳожатхона жиҳозлари, ручка, қоғоз... Саноғи йўқ, кундалик ҳаётимизда ҳар куни ишлатмасдан туролмайдиган нарсаларимиз. Энг ёмони, вирус қарийб ўн кун атрофида ўзини намоён этмайди. Аммо шу даврда бошқаларга тарқалишда давом этаверади. Ён-атрофимизда ким касал ва ким соғ эканини билолмаймиз.

Кафелар, умумий овқатланиш шохобчаларидаги тумонат одамнинг ўн фоизида ҳам ниқоб йўқ. Улар худди ҳеч нарса бўлмагандек, керилиб овқат тановул қилишяпти, гигиенанинг энг оддий қоидаларига ҳам риоя этишаётгани йўқ. Ошхоналардаги ошпаз-у фаррошларнинг ишлатаётган иш қуроллари, сочиқлар, қошиқ ва санчқилар, ликопча-ю лаганлар, косаларга назорат етарлими?

Хўш, шундай экан, биз огоҳ бўляпмизми? Йўқ! Назаримда, фақат ваҳима қиляпмиз, холос...

Вирус юртимизга кириб келгани ҳақидаги хабарлар тарқалган куннинг эртаси эди. Душанба. Ишхонага келсам, эшик олдида антисептик воситага қўлни чайиб ҳамда оғизга ниқоб тақиб кириш жорий этилибди. Идора ҳисобидан. Ахир идорага бир кунда қанча одам келиб-кетмайди, дейсиз. Лекин ҳар бир кирувчига шу талаб! Демак, кун бўйи хотиржамдек юришга асос бор. Очиғи, мамнун бўлдим: отасига раҳмат раҳбариятнинг... Аслида, ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасини бажараётган ушбу ташкилотнинг ҳақиқий ғамхўрлиги ифодаси, ўрнаги эди бу...

Энди ташқарига чиқайлик... Кўча тўла одам! Озиқ-овқат дўкони-ку майли, кийим-кечак бозорлари, савдо уйларида тумонат одам нималар қиляпти? Уларни сийраклашгани сезилмайди. Болаларга таътил берилгани нима учун эди? Уларни ташқи таъсирлардан ҳимоялаш учун эдими? Унда нега аксарият болалар кўчада юрибди? Давлат ўзимизни ўзимиз асрамасак, ҳар бир болага, ҳар бир отага қандай кафолат бера олади!

Оммавий ахборот воситаларида жамоат транспорти муайян даврийлик асосида дезинфекция қилинади, дея жар солишмоқда. Бироқ йўналишли таксиларда ишга қатнайдиган ҳамкасбимиз ҳайдовчининг бунақа тартиб борлигидан бехабар эканини айтмоқда. Уларда вирус кезмаётганига ким кафиллик бера олади? Ҳеч ким!

Кафелар, умумий овқатланиш шохобчаларидаги тумонат одамнинг ўн фоизида ҳам ниқоб йўқ. Улар худди ҳеч нарса бўлмагандек, керилиб овқат тановул қилишяпти, гигиенанинг энг оддий қоидаларига ҳам риоя этишаётгани йўқ. Ошхоналардаги ошпаз-у фаррошларнинг ишлатаётган иш қуроллари, сочиқлар, қошиқ ва санчқилар, ликопча-ю лаганлар, косаларга назорат етарлими?

Ижтимоий тармоқларда беш-олти нафар жонкуяр чиқиб, ҳой, бу иш нотўғри, ҳой, бу иш хавфли деб тургани кимга таъсир қиляпти? Бозордаги номаълум вирус тарқатувчига унинг етиб бориши амри маҳол-ку.

Балки, айтарсиз, одамнинг кўнгли тўғри бўлсин, деб. Аммо вирус кўнгилдан сўраб ўтирармиди? Умуман олганда, ушбу вирус баҳона сариталикнинг, озодаликнинг ва оддий маданиятнинг қандайлиги яққол кўриниб қолмоқда.

Аллоҳ ҳам эҳтиёт бўлганни асрайди. Ҳамма нарсага Аллоҳни рўпара қилавермасдан, ўзимизни эҳтиёт қилишга қачон ўтамиз? Ҳали бирон мамлакат бунақа лоқайдлик билан муваффақият қозонганини кўрмадик.

Ваҳима қилмаслик керак. Бу тўғри гап. Бироқ огоҳликни унутмаслик ҳам лозим. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бир ҳақиқат бор: вирус, биринчи навбатда, яқинларга илашади.

Биз эса бепарвомиз. Карантин деса, қочишга, тирноқ остидан кир қидиришга тушадиганлар ҳам йўқ эмас орамизда...

Ўзбекистон раҳбарияти ўз халқини

асраш учун қўлдан келган ишни қиляпти. Хориждан келаётган потенциал хавф бўлиб турган ватандошларимиз, яъни ҳозирча потенциал вирус ташувчиларни карантинга олиш чоралари кўриляпти. Ҳеч бир мамлакатда бўлмагани каби, бизда ҳам бундай ҳолатлар учун доимо тайёр турадиган бинолар шу пайтгача бўлмаган. Шу боис, қаерда санаторийлар, қаерда оромгоҳлар, яна қаерда касалхоналар бўшатилиб, у жойларда одамларнинг икки ҳафта яшаши учун шароитлар яратилмоқда. Тўғри, бу беш юлдузли меҳмонхонага хос шароит эмасдир, бироқ яшаш учун шароит бор! Аслида, шу йўл билан ҳам бу ватандошларимизнинг яқинлари, ота-онаси, фарзандлари, эрлари ёки хотинлари ҳам асралмоқда.

Ижтимоий тармоқларда тарқалган бир видеолавҳа эътиборимни тортди. «Озодлик» деган радио «бонг урмоқда»! Тошкент вилоятидаги бир оромгоҳда чанглар артилмаган экан. Бир аёл оғзидан боди кириб, шоди чиқиб қарғаняпти (мана шу жойи ўхшамапти). Аммо асл ҳолат қандай? Ҳар бир карантин жорий қилинган муассаса тегишли давлат органлари назоратида, ҳокимликлар, биз кўп зўравонликларга дучор қилганимиз шифокорлар-у ҳамширалар ва яна қанчадан-қанча соҳа вакиллари – ички ишлар, бошқа орган ходимлари тик оёқда хизматда туришибди.

Бунинг ҳаммаси нима учун? Шу халқнинг осойишталиги учун эмасми? Нега шуни тушунмаяпмиз? Уларга ёрдам беришга ўз ҳиссамизни қўшишни истамаяпмиз? Худбинлик қонимизга шунчалик сингиб кетдими? Наҳотки опамиз буни тушунишни истамайди? Ҳамон миллионлаб ҳамюртларимизда бу вирус ҳақида етарли тушунча, ундан сақланиш ҳақида кўникма ва малака йўқ. Бу нимадан далолат?

Ҳали **ташвиқот ва тарғиботнинг ўнлаб турли шакл ҳамда форматлари ишга солинган эмас.** Бунинг учун мазкур балодан қутулаёзган Хитойнинг тажрибалари ҳақида кўрсатувлар, мақолалар, интернет сайтларига маълумотлар ўқишли, кўришли, тушунарли тарзда бериб борилишига эришишимиз даркор.

Одамлар ўзларини, бу билан эса ўзгаларни ҳам ҳимоя қилишни англаб, қалб амрига айлантириш лозим. Бугун биз бир кунда 2 миллионта ниқоб ишлаб чиқариш билан мақтанишимиз ҳам асоссиз. Ҳолбуки, Тошкентнинг ўзига бир кунда шунча ниқоб керак. Бу масала узил-кесил кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши мақсадга мувофиқдир. Яна бир масала, ниқобда юриш, антисептиклар билан қўлларни стериллаш каби ишлар мажбурийлик касб этиши лозим. Одам кўп тўпланадиган умумий овқатланиш, савдо ва бошқа муассасаларда бусиз киришни тақиқлаш талаб этилади. Балки бу кимгадир эриш гапдек туюлар, бироқ бу – самара берадиган асосий чорадир.

Яна сўзимизнинг бошидаги гапга қайтсак.

Ҳурматли қўшнижон, азиз ҳамшаҳарим, дўстларим!

Сиз билан қўл бериб кўришмасам, кўнглингиз озорланмасин. Бу билан фақат ўзимни эмас, балки сизни ҳам ўйламоқдаман...

Ва яна буни ваҳимага ҳам йўйманг. Бу ҳушёрлик, холос. Ҳолбуки, биз бугун кўпроқ офатнинг оқибатларини ўйлаяпмиз ва ваҳимага тушяпмиз. Аслида, унинг олдини олиш ҳақида қайғурсак, тўғрироқ бўлар эди. Ана шундагина бу синовларни енгиб ўтамиз.

Ҳусан ЭРМАТОВ,
журналист

Саъдулла ҲАКИМ

Коронавирус

Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан
Шошқин хабар учар, пандемия, деб.
Менинг эса тунлар ўчади уйқум,
Инсон тафаккури панд еди-я, деб.

Эй ақл, ҳаволаб юрганинг етар,
Танангга фикр қил, не бу ҳол қалтис?
Наҳот инсон оҳи фалакни тутар,
Наҳотки ҳақ бўлса руҳоний Мальтус? [1]

Ҳадик ила боқар одамга одам,
Қўл бериб кўришмас, юзида ниқоб.
Кимлардир изини ниқоблаб олган,
Бошқа бировнинг сўзида ниқоб.

Эмлашнинг имкони йўқ эмиш ҳали,
Дунё муҳтож эмиш битта дорига.
Аслида чорасиз қолган маҳали,
Фақат меҳр ярар бемор корига.

Ҳар неки малҳамдир, бир Ўзи билар,
Булутларга боқиб ўйга толаман:
Исириқ тутатиб тургандай бўлар,
Қуёшни чўғ қилиб, Яратган Эгам.

Зулмат қочганидай кун ёруғидан,
Элдан дард кетгуси бирлашса улус.
Асрасин ёмонлар ёмонлигидан,
Меҳру оқибатга тушмасин вирус!

20.03.2020

[1] *Аҳоли нуфуси ва озиқ-овқат номутаносиблигида эпидемиялар ва бошқа ҳодисаларнинг алоқасини тадқиқ этган инглиз иқтисодчиси ва руҳонийси.*

Эксклюзив интервью

Николай ФИЛАТОВ:
«Covid-19» ҳақидаги шов-шувлар ҳаддан зиёд ошириб юборилмоқда

Россия фанлар академияси мухбир аъзоси, И.И.Мечников номидаги Вакциналар ва зардоблар илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Николай Филатов «Мир новостей» газетасига эксклюзив интервью берди. Газета бош муҳаррири Николай Кружилин билан суҳбатда нима учун коронавирус пандемиясига ишонмаслик зарурлигини уқтириб, «Интернет мутахассислари»нинг сохта маслаҳатларини йўққа чиқарди.

ПАШШАДАН ФИЛ ЯСАШДИ

– Николай Николаевич, Сиз билан илк бор учрашиб турганимиз йўқ ва бугунги суҳбат асносида малакали мутахассиснинг коронавирус ҳақидаги фикрларини билмоқчимиз. Айтинг-чи, у сизни ташвишга соляптими?

– Йўқ. Қолаверса, мен коронавирус атрофидаги шов-шувлар атайин ўйлаб топилган деб ҳисоблайман. Аммо, афсуски, у кўплаб одамлар онгини маҳв этди.

Келинг, ҳиссиётни бир четга суриб, коронавирусга холис назар ташлайлик. Бу – грипп, аденовирус ва шунга ўхшаш юқумли касалликларнинг бир тури. Агар ўлим ҳолатлари (патогеннинг тажовузкорлик кўрсаткичи)га эътибор қаратсак, у 2007 йилдаги H5N1 парранда гриппида 52,8, 2013 йилда бир қатор мамлакатлар аҳолиси касалланган H7N9 парранда гриппида 34,4, 2013 йилда Яқин Шарқ бўйлаб тарқалган ва «туя гриппи» деб ном олган коронавирусда эса 39 фоизни ташкил этган.

«COVID-19»нинг леталлик даражаси атиги 3 фоиздан сал кўпроқни ташкил этади. Аммо ЖССТ вируснинг одатий ва оддий фаоллигини пандемия, деб эълон қилди! Коронавирус жуда агрессив хусусиятга эга эмас, лекин барча радиостанциялар: «Қотил вирус, жонинг ширин бўлса, қочиб қол!», дея айюҳаннос соляпти.

– Нега унда бунча шовқин-сурон кўтариляпти?

– Бу мен учун сирлигича қоляпти. Ишончим комил: муаммо сунъий яратилган. Бу, албатта, биологик ёки тиббий муаммо эмас. Эҳтимол, «COVID-19» мавзусини шиширишдан мақсад иқтисодчилар учун иқтисоддаги муваффақиятсизликларга уни сабаб қилиб кўрсатиш ёки ишлаб чиқарувчилар учун ваҳима пайтида кўпроқ фойда олиш, ёки сиёсатчилар учун қандайдир мақсадларга эришиш учун фойдалидир.

– Аммо вируснинг ўзига хос хусусиятлари бордир?

– Бошқа респиратор вирусли инфекциялардан фарқли ўлароқ, «COVID-19» коронавирусининг яширин даври 72 соат эмас, балки ундан анча кўп – 7-14 кунни ташкил этади. Шу билан бирга, унинг вирулентлиги (тажовузкорлиги) жуда ошириб юборилган, буни болалар ва ўсмирлар орасида касалликнинг йўқлиги ҳам тасдиқлайди. Улар орасида инфекция соғлом ташувчи шаклида ёки билинар-билинмас аломатлар билан кечади, кўпчилик бунга ҳатто аҳамият ҳам бермайди.

Аҳоли гавжум ҳудудларда вирус тез тарқалади, бу вирус ташувчиси эканини билмаган ёшлар сабабли ҳам тарқалмоқда. Касалликнинг оғир шакллари ва ҳалокатли оқибатлари онкология ёки сурункали касалликларга чалинган кекса ёшдагиларда пневмония сабабли юзага келади.

– Қизиқ. Буни тушунтириб бера оласизми?

– Ҳар қандай вирус инсон танасига киргач, организмнинг қаршилигига дуч келади. Инсон иммунитети қанчалик кучли бўлса, организм вирусга қарши шунча самарали курашади. Макрофаглар иммун тизимини бошқаради. Айнан ана шу ҳужайралар қон ҳосил қилувчи органларга ва ички секреция безларига яқинлашиб келаётган хавф ҳақида хабар юборади ҳамда нима қилиш кераклиги тўғрисида кўрсатма беради.

Одатда, тана таҳдидга тўғри жавоб беради ва уни енгади – организм тузалади. Баъзи ҳолларда, кекса одамларда ва кўпинча патогенларга кўпроқ дуч келадиган тиббиёт ходимларида (баъзилари ёшига қараб, бошқалари касбига кўра) макрофагларнинг катта қисми гиперактив ҳолатга ўтиб, нотўғри буйруқлар бера бошлайди ва танада мусиқа ўрнига тушунарсиз товушлар янграй бошлайди.

Макрофаглар кўпроқ лейкоцитлар ишлаб чиқаришга буйруқ беради ва уларни инфекциянинг кириш эшигига – ўпкага юборади ва шу билан пневмонияни келтириб чиқаради. Тана, аслида, пневмонияни ўзи дастурлаштиради.

– Оркестр яна ўзаро уйғун ишлаши учун нималар қилиш зарур?

– Бизнинг танамиз ҳар қандай биологик агентга қарши кураша олади, шунчаки унга ёрдам беришимиз – интерферонлар ва иммунитетни оширувчи дорилар ёрдамида макрофагларни гиперактивликдан нормал физиологик ҳолатига келтиришимиз керак.

ҲЕЧ ҚАНДАЙ СЕҲРГАРЛИК ЙЎҚ

– Ҳозир коронавирусга қарши вакцина яратилмоқда. У фойда берадими?

– Хўп, вакцина яратилди ҳам, дейлик. Ҳаммани ёппасига эмлаш керакми? Бунда мантиқ кўрмаяпман. Кейинги йил яна қандайдир янги вирус пайдо бўлади ва унда COVID-19 га қарши эмдори иш бермайди. Аммо ваҳима қилишга асос йўқ: организмга антиоксидант ва иммун тизимини мустаҳкамлайдиган дорилар ёрдам бериши мумкин.

– Хитойда ўтган йилнинг охири – шу йилнинг бошида кўп одам ўлди, март ойидан эса вирусни юқтирганлар сони камая бошлади. Бунинг сабаби нимада?

– Айтганимдек, вирус бизга уқтирмоқчи бўлаётганларидек, даҳшатли «олабўжи» эмас. Хитойда беморлар сонининг камайишига сабаб шуки, ҳар қандай вирус ўзининг энг юқори чўққисига чиқиб, заифлашади. Одамлар сеҳрли дори-дармонлар билан даволашганлари учун эмас, балки тана вирусни енггани ва касаллик ортга чекингани учун соғайиб кетадилар.

– Расмийлар томонидан қўйилган чекловлар вирус тарқалишини тўхтата оладими?

– Бу қандай чекловлар ҳақида сўз кетаётганига боғлиқ. Мамлакатга кирувчи йўлларни харсангтошлар билан тўсиш – мантиқсизлик, ёпиқ жойларда ўтказиладиган барча оммавий тадбирларни бекор қилиш яхши натижа бериши мумкин.

Расмийлар одамларни ҳимоялашни истаяпти, аммо ҳеч ким олимларнинг фикри билан қизиқмаяпти. Ваҳоланки, Эпидемиология институти, Вирусология институти, Гамалея номидаги институт, Мечников номидаги институтлар бор... Мутахассислардан нима қилиш кераклигини сўранг ва уларнинг хулосаларига асосланиб, аҳолини ҳимоялаш режасини тузинг.

ТАҚДИР БИЛАН ҲАЗИЛЛАШМАНГ

– Ниқоблар ҳақида нима дейсиз: тақиш керакми ёки тақмаслик?

– Агар ниқобни вируслардан ҳимоя қилиш воситаси, деб ҳисобласак, у ҳолда масала қуйидагича. Касаллик қўзғатувчи ташқи муҳитга ўпка орқали оғиздан буғ шаклида чиқарилади. Буғ

ўхшаш ҳеч қандай белгилар йўқ, организмга кириш усули ҳам фарқ қилади, улар турли патоген таъсирга эга.

– Қўл бериб сўрашишга қўйилган тақиққа нима дейсиз?

– Инфекция учун кириш эшиги – нафас йўллари. Агар «касалланган» қўлингиз билан кўзингизни ишқаласангиз, энг қўрқинчли ҳолатда конъюнктивит орттириб олишингиз мумкин. Вируслар бизга ҳужум қилмаса ҳам, қўлимизни совун билан ювишимиз ёки зарарсизлантирувчи воситалар билан артиб туришимиз лозим.

– Барча кулфатлар эртами-кечми, тугайди. Қачон эркин нафас олишимиз мумкин деб ўйлайсиз?

– Респиратор вируслар қуёш нури ва иссиқликдан қўрқади. Уларнинг тузилмалари ичида гўё иссиқ кунлар бошланиши билан вирусга ухла деган сигнал берувчи таймер мавжуддек.

– Суҳбат якунида ўқувчиларимизга яна қандай маслаҳатлар берардингиз?

– Ўзингизни одатдагидек тутинг. Аммо тақдир билан ҳазиллашмаслик учун касаллар билан алоқа қилишдан сақланинг.

Ўзингизни ёмон ҳис қиляпсизми? Уйда қолинг, шифокорга телефон орқали касаллик варақасини очиш учун хабар беринг.

Ваҳима қилманг: ваҳима организмда стресс келтириб чиқаради. Тиғиз пайтларда дўконларга борманг. Оммавий тадбирларга боришни тўхтатинг, айниқса, бундай тадбирларда ёшлар кўп бўлса. Агар тадбирда иштирок этиш керак бўлса, бурнингизга интерферон томизинг.

Транспортда ўзгалардан узоқроқ туришнинг имкони йўқ, аммо камроқ гаплашиш мумкин.

Уйингизни тез-тез намли латта билан тозалаб туринг. Организмни мустаҳкамланг – В витаминлар гуруҳи, С витамини ва иммуномодуляторларни ичинг. Кўпроқ сайр қилинг ва жисмоний ҳаракатларни ҳам унутманг.

Манба: «Мир новостей» газетаси

Қашқадарё вилояти

Касаба уюшма фидойилари

ТОШДЕК ҚАТТИҚ, БОЛТАДЕК КЕСКИР

Яқинда 469 нафар ходим меҳнат қиладиган «Муборак иссиқлик электр маркази» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раислигига Тошболта Авазов қайта сайланди. У бу вазифада беш йил ишлаган эди. Хўш, жамоа нега яна Тошболта Авазовни раисликка маъқул кўрди?

Келинг, буни унинг фаолияти мисолида кўриб чиқамиз. Ортда қолган вақт давомида Тошболта ака ҳаёт қозонида «қайнади», ходимлар манфаатига чора излади. Шу сабаб жамоанинг унга ишончи, ҳурмати тобора ошиб бораверди.

САНЪАТ ШАЙДОСИ

Байрам саналари яқинлашиши билан ходимлар Тошболта акадан навбатдаги «сюрприз»ни кута бошлашади. Чунки санъат шайдоси бўлган раис ҳар гал бир-бирига ўхшамайдиган маданий-маърифий тадбирлар дастурини тайёрлайди. Ҳар бир байрам тадбири ишчи-ходимлар мушораси, рақс ва қўшиқлар танловига айланиб кетади.

Тошболта Авазов давлатимиз раҳбарининг ёшлар маънавиятини янада юксалтириш учун белгилаб берган бешта ташаббусидан руҳланиб, корхонада китоблар ярмаркасини ташкил этди. Кутубхонага энг сара адабиётлар харид қилинди.

Муборак шаҳридаги сунъий қопламали футбол майдони раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида шартнома имзоланиб, шанба-якшанба кунлари ишчиларнинг спорт билан шуғулланиши учун шароит яратилди. Қолаверса, тренажёр заллари ҳам спортсевар ходимлар билан тўлди. Ишдан бўш вақтларда кимдир жисмоний машқлар, яна кимдир шахмат доналари суриш билан банд бўлиши одатга айланди.

Натижада, корхона ходимлари Ёшлар иттифоқининг Муборак тумани кенгаши ўтказган «Ёшлар кубоги» мини футбол турнирида фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан 51 нафар ходимага эсдалик совғалари берилди, моддий рағбат кўрсатилди, маданий-маърифий тадбир, волейбол, шахмат-шашка мусобақалари уюштирилди.

ХОДИМЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Тошболта ака иш берувчи билан ижтимоий ҳамкорликда ходимларнинг оғирини енгил қилиш йўлларини қидиради, касаба уюшма қўмитаси аъзолари билан маслаҳатлашиб, тегишли қарорларни чиқаради.

Масалан, корхона чилангари Қудратилло Жалилов Қашқадарё вилояти кардиология марказида юракқон томир тизимига стентлаш амалиётини ўтказди ва бунинг учун 15348522 сўм маблағ харажат қилди.

Жамоа шартномасига кўра, корхона мазкур маблағнинг 50 фоизини ходимнинг пластик карточкасига ўтказиб берди. Шу билан бирга, амбулатор тарзда даволанаётган Жалиловга касаллик варақасига кўра, иш ҳақлари тўлаб берилди.

Бундан ташқари, корхонада ишлайдиган икки нафар байналмилал жангчи тиббий қисмда имтиёзли даволанди. Электр цехи телефон оператори Лариса Бородина буйрагини операция қилдирганида ҳам тегишли ёрдам кўрсатилди. Ёлғиз она Дилдора Қурбонованинг уйини таъмирлашга кўмаклашилди...

2020 йилнинг ортда қолган даври мобайнида икки нафар ходимнинг ўзига, яна уч нафарининг яқин қариндошларига санаторий йўлланмалари берилди. Туфлимурод Тошев саломатлигидан шикоят қилган эди, тиббий санитария қисмида даволаниб чиқди.

КАСАБАҚЎМ НИМАДАН ТАШВИШДА?

– Корхонада зарарли шароитда ишлаш вазиятлари кузатилади, – дейди Тошболта Авазов. – Ходимлар ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб ишлашади. Афсуски, бизда ойлик маошлар кам. 2019 йилнинг октябрь ойидан корхонада зарарли шароитда ишлаётгани учун тўланадиган 1,55 фоиз зарарли туман коэффициенти бекор қилинди. Бу эса ҳар бир ишчига 490 минг сўмдан иқтисодий зарар, демакдир.

Шуларни ҳисобга олиб, юқори ташкилотларга зарарли туман коэффициентини тўлашни тиклаш ҳақида хатлар билан мурожаат қилмоқдаман. Аммо туман коэффициентини белгилашни у ташкилот бунисининг, буниси эса яна бир бошқасининг зиммасида эканини билдириб, жавоб қайтармоқдаки, мутасадди ташкилотлардан олган жавобларим бир ботмон бўлди. Энди бор умидим Вазирлар Маҳкамасидан...

Юқоридаги турфа мутасаддилар фақат қоғозбозлик қилмай, «Муборак иссиқлик электр маркази» ҳудудига келиб, ишчилар билан бир ҳаводан нафас олиб, улар билан суҳбатлашиб, уларнинг дардини тинглаб, қандай оғир шароитда ишлашаётганини ўз кўзлари билан кўришганда ва шунга кўра баҳо ва хулоса беришганида, мен бунчалик ёзғирмаган бўлар эдим...

Касабақўм раиси қўшни Бухоро вилоятидаги турдош корхоналар, шундоққина ёндош жойлашган «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖдаги ходимларнинг ойлик маошлари билан ўзлариникини таққослаб, ходимлари улардан анча кам маош олаётганидан ташвишда. Янаям ёмони, у энг фидойи ишчиларнинг иш жойини ўзгартириб кетишларидан хавотирда. Шунинг учун меҳнатига яраша муносиб иш ҳақи олмаётганидан куюниб, тинмай мурожаатлар қилмоқда. Биз ҳам воқеаларнинг ижобий ечим топишини кутиб қоламиз...

Тошболта Авазовнинг ҳаракатлари ва характерига нисбатан «тошдек қаттиқ, болтадек кескир» сифатларини ҳеч муболағасиз қўллаш мумкин. Жонкуяр касабақўмнинг ўз вазифасига бўлган садоқати барча тўсиқлардан мардона ўтишга, тош келса, кемириб, сув келса, симириб ишлашга ундаб тураверади.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch»

Қутлов

Ёзувчи, шоир, драматург ва журналист Эркин Самандар 85 ёшга тўлди.

«Аму жилолари», «Осмон тўла нур», «Дунёнинг ёшлиги», «Вафо деган гавҳар», «Севги фасллари», «Менинг йигит вақтим», «Қабул соатлари», «Соҳилдаги болалар», «Юракка йўл» каби назмий китоблари, «Осмоннинг тош тулпори», «Олтин сандиқ», «Эрк садолари», «Ишқий мактублар» каби достонлари, «Жавоҳир», «Аждодлар қиличи», «Башорат», «Жалолиддин Мангуберди», «Арабмуҳаммад Баҳодирхон», «Паҳлавон Маҳмуд Пирёрвалий», «Суянч», «Минг отлилар диёри» сингари қисса ва бадиалари, «Дарёсини йўқотган қирғоқ», «Тангри қудуғи» каби романлари билан халқимизнинг қалбига кириб борган ижодкорни муборак ёш билан қутлаймиз!

Ватанданман

Туғилганман баҳор чоғи қувонч энганда гулларга,
Баҳордай мавж бўлиб кирдим сафоли, шўх кўнгилларга.
Қаёқдансиз, деса, энди дегум эрка сингилларга,
Қадимий Хоразм – ошиқ ва маъшуқ бир Ватанданман.

Мени кийдирди, тўйдирди бобоммерос сахий тупроқ,
Дилим покликка эш этди кулиб Новхос тонги оппоқ.
Аму қирғоғида ҳар ён томир ёйган уруғ-аймоқ,
Куюнчак, меҳрибон она – Тома қизин Чаманданман.

Ука, оға, жиян, тоға тўкарлар тер кеча-кундуз,
На ҳикмат бобида танҳо, на санъат кўкида юлдуз,
Бироқ ишлар қалай денг-чи, бари бирдек дегайлар; юз,
Текис олтин заминданман, на пастдан, на баландданман.

Ўсиб-униб, ўқиб бедор, шуарога қулоқ бердим,
Ғазал сиймоларин бир-бир хаёл кўзгусида кўрдим.
Унинг бири – Қиёт ўғли, бири – Фарғонада мардум,
Деди бири Хўқандданман, деди бири: Хўжандданман.

Тун-у кун Хевада кезсам, оқиб турли нидо келди,
Қоронғу гўшадан сирли, пушаймонли садо келди.
Қаёқдансан, дея сарсон садоларга савол бердим,
Деди: Аваз қўлин бойлаб забун этган кишанданман.

Менга Хева тилаб оқ йўл, қанот берди суюб-сийлаб,
Менга Тошкент қучоқ очди дилимни нурга ғарқ айлаб,
Ўғил-қизимни ардоқлаб юраман бахтга шеър бойлаб,
Ғурур келса, дегум энди суханвор анжуманданман.

Узун тунлар она қишлоқ гоҳи тортар хаёлимни,
Узоқдан термулиб, қўллаб, тилар бахту камолимни,
Саҳар еллар ила йўллаб қоларман-да саломимни,
Дегум мен – мардми ўзбек, қаён борсам Самандарман!

Сирдарё вилояти

Пресс-тур

Ҳаваслар манзилига айланаётган Ховос

бунда акциядорлик тижорат Халқ банкининг муносиб ҳиссаси бор

Агар шу кунларда Сирдарё вилоятининг Ховос туманига йўлингиз тушиб, пойтахтдан вилоятнинг Сирдарё, Мирзаобод туманлари, Гулистон ва Янгиер шаҳарларидан чиқиб бораверсангиз, «Ховос сити»нинг янги, баланд иморатларига кўзингиз тушади. Илгари адир бўлган ҳудудда жуда қисқа муддат ичида замонавий бир шаҳар пайдо бўлганидан ҳайратланишингиз шубҳасиз. Бу ерда кўп қаватли уйлар билан бирга, хизмат кўрсатиш, турли савдо шохобчалари, маъмурий иншоотлар бирин-кетин ишга туширилмоқда.

Биз бунга акциядорлик тижорат Халқ банкининг филиали биносида жойлашган «Коворкинг маркази»да ташкил этилган пресс-турга бориш асносида гувоҳ бўлдик. Филиалнинг янгидан қуриб, фойдаланишга топширилган биноси учинчи қаватида жойлашган мазкур марказ тадбиркорликка қизиққан аёллар ва ёшларга соҳа сирларини ўргатиш ҳамда ўқув-тренинглар ўтказиш учун мўлжалланган.

БИЗНЕСГА ЙЎЛ

«Коворкинг» сўзи инглизчадан таржима қилинганда «ҳамкорликда, биргаликда ишлаш», деган маънони англатади. Амалда коворкинг бир кундан бир йилгача муддатга ижарага берилиши мумкин бўлган, жиҳозланган офис ёки иш майдонидир.

Банкнинг «Коворкинг маркази» ҳам шунга ўхшаш. Лекин айрим фарқлари бор. Масалан, бу ерда ўқиш мутлақо бепул ташкил қилинади. Ўқитувчи ва устозлар филиал томонидан жалб этилади.

Филиал раҳбари Рустам Қаюмовнинг айтишича, айни пайтда бу ерда ўқиш иссиқхона хўжалиги, тикувчилик, ҳунармандчилик, пазандалик, компьютер саводхонлиги йўналишларида ташкил этилган. Йигирма кишини қамраб олган битта гуруҳ уч ой давомида ўқитилади. Энг асосийси, ўқиш сўнгида уларга марказ директори тавсиясига биноан кредит ажратилади. Бошқача айтганда, учинчи қаватда ўқиб, ўрганиб, биринчи қаватда маълум миқдорда сармояга эга бўлиб чиқиб кетилади.

Ҳозирги кунда Ховос туманида 91 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётгани, шундан 17 минг нафари ёшлар экани ҳамда ҳудудда 560

та кам таъминланган оила борлигини инобатга олсак, банкнинг бу ташаббуси улар учун катта имкониятдир.

– Ўзим тикувчиликка қизиқаман. Лекин шу пайтгача уйда, ишсиз ўтирган эдим, – дейди марказнинг илк ўқувчиларидан бири – «Дўстлик» маҳалласида яшовчи Маърифат Дадажонова. – Марказ ҳақида эшитгач, хурсанд бўлиб кетдим. Чунки бу ерда айнан қизиққан касбимга ҳам ўқитилар экан. Ҳозир тикувчиликни астойдил ўрганяпман. Банк кўмаги билан уйимда мустақил равишда бизнес тикувчиликни йўлга қўйиш ниятидаман.

«Коворкинг маркази» тумандаги ана шундай ҳавасманд ва ҳунарманд ёшларнинг ғояларини қўллаб-қувватлаш баробарида, йирик тадбиркорлар билан тажриба алмашишга ҳам эътибор қаратилаётгани уларнинг бизнес борасида дадил қадам ташлашларига катта туртки бериши, шубҳасиз. Зеро, пухта билим ва амалиёт замирига қурилган бизнеснинг пойдевори ҳам мустаҳкам бўлади.

ИСТИҚБОЛЛИ ТАШАББУСЛАР МАРКАЗИ

Президентимиз Сирдарё вилоятига амалга оширган охирги ташрифидан бирида Ховосни тадбиркорликда намунали туманга айлантириш бўйича топшириқ берган эди. Бугунги жараён ана шу топшириқ ижроси бўйича олиб борилган амалий саъй-ҳаракатлар самарасидир. Ушбу ҳудудда иссиқхона хўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари кам эмас. Халқ банкининг янги филиали ҳамда «Коворкинг маркази» уларга молиявий жиҳатдан янада яқин кўмакдош бўлиши аниқ. Зеро, бу ерда банк мутахассислари ва мижозлар учун барча шароитлар яратилган.

Шундай тадбиркорлардан бири – «Asil 777 Artel» фирмаси раҳбари Жонибек Тошниёзов банкнинг Ховос филиали билан бир неча йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келмоқда.

– Фирмамиз мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган, – дейди тадбиркор. – Охирги олган 700 миллион сўм миқдоридаги кредитга тўйхона, умумий овқатланиш шохобчаси ҳамда маиший техника ва гилам, озиқ-овқат маҳсулотлари сотишга мўлжалланган дўконларни мужассамлаштирган мажмуа барпо этяпмиз. Насиб қилса, мажмуани яқин вақтлар ичида ишга туширамиз. Шунда яна 30 кишининг бандлиги таъминланади.

Умуман олганда, ўтган йили Халқ банкининг Сирдарё вилояти филиали томонидан ишбилармонлар ташаббуслари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш мақсадида муайян ишлар амалга оширилди. Бир йил мобайнида 14872 та тадбиркорлик субъекти ҳамда фуқароларга 595 миллиард 147,7 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилгани фикримиз тасдиғидир. Филиалнинг шундай қўллаб-қувватлови асосида бугунги кунда самарали фаолият юритаётган йирик корхоналар ҳам талайгина. Қоп ва қоп маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Сирдарё мега люкс» Ўзбекистон-Россия, «Classimo&Hayat» Ўзбекистон-Италия қўшма корхоналарини, ун маҳсулотлари тайёрловчи «Salar Un Don Non», қурилишбоп ашёлар ишлаб чиқарувчи «Металл бетон саноат» масъулияти чекланган жамиятлари шулар жумласидандир. Мазкур корхоналар бугунги кунда нафақат вилоят, балки республикамизда ҳам танилган.

Банкнинг янги филиали ва «Коворкинг маркази» ҳудуд иқтисодиёти равнақига, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали уларнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Аъзам АБУЛФАЙЗОВ,
«Ishonch»

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси

Барча юртдошларимиз ва соҳа ходимларини қут-барака, ризқ-рўз, урф-одат тантанаси ва анъаналар байрами – Наврўзи олам билан қутлайди. Янгиланиши ва покланиш фасли – баҳор айёмида сиҳат-саломатлик,аъло кайфият, бахт-у саодат доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

Муҳаммад ЮСУФ

КЎКЛАМОЙИМ

Сочимда оқ, мен баҳордан ўтиндим:
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.
Қор қўйнида сени қўмсаб ўкиндим,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.
Кўнглимга кўк бинафшалар сочилсин,
Кокилига толпопукдан соч илсин,
Бойчечакка борар йўллар очилсин –
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.
Фасл боши, ҳам охири ўзингсан,
Мажнунларнинг йўлдоши ҳам ўзингсан.
Лайлиларнинг сирдоши ҳам ўзингсан,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.
Кел-да энди соғинтирмай одамни,
Сен йўғингда бир ғам босди елкамни,
Қорлар кураб кўмиб келдим отамни...
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Кўкинг билан кийинтирай даламни,
Оёқяланг суюнтирай боламни,
Ўзинг олгин кўксимдаги аламни,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.
Гинам йўқдир кузда кетган оққушдан,
Ийманмасин қайта эшик қоқишдан.
Қумри билан бирга чиқдик биз қишдан,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.
Жон устида асраб юрай кўкни мен,
Тўйиб-тўйиб кўзга сурай кўкни мен.
Яна сенга етаманми-йўқми мен,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.
Дил яйрасин дала-даштинг ясаниб,
Ялпизларинг сув бўйига ястаниб.
Икки мисра байт битай бир мақтаниб,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим!..

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси

Барча юртдошларимиз ва эл соғлиги йўлида кун-у тун ҳормай-толмай меҳнат қилаётган соҳа ходимларини Наврўз байрами билан чин дилдан қутлайди. Қалбларга илиқлик олиб кирувчи айём элимиз дастурхонига тўкинлик, оилаларга фаровонлик олиб келсин! Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз айтганидек: Ҳар тунунг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз!

Эркин ВОҲИДОВ

Нашида

Юртим!
Илҳомимга сарчашма ўзинг,
Бирдек азиз менга ёзинг ҳам кузинг.
Букун баҳорингга шеър айтмоқчиман,
Ватаним, муборак бўлсин Наврўзинг!

Яна олам бўлди яшил, серфусун,
Яна қизғалдоқлар очилди гулгун.
Бу йилги кўкламинг ўзгача бутун,
Ватаним, муборак бўлсин Наврўзинг!

Қаттиқ қишдан чиқдинг зах тортиб, ҳориб,
Ердан чиққан каби бойчечак ёриб.
Бағрингдан муз кетди ҳамалга бориб,
Ватаним, муборак бўлсин Наврўзинг!

Қир яшил, боғ яшил, бўстондир яшил,
Баҳорий либосда жаҳондир яшил,
Эрк яшил, истиқлол, имондир яшил,
Ватаним, муборак бўлсин Наврўзинг!

Бошингда ҳуррият қуёшинг бордир,
Ўз Туғро, Байроғинг, Юртбошинг бордир.
Мақсадинг, ғайратинг, бардошинг бордир,
Ватаним, муборак бўлсин Наврўзинг!

Ёш чинорсан, ўзни тутиб оларсан,
«Илик узилди»дан ўтиб оларсан.
Юзлаб баҳорларни кутиб оларсан,
Ватаним, муборак бўлсин Наврўзинг!

Бугун далаларга қадалган уруғ
Иншооллоҳ, ризқу баракот тўлуғ,
Эй, умид ўлкаси, эртаси улуғ –
Ватаним, муборак бўлсин Наврўзинг!

ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Қадри баланд юртдошларимиз ва соҳа ходимларини умумхалқ байрами – Наврўзи олам билан қутлайди! Наврўз қадриятлари – одамларнинг дард-у ташвиши билан яшаш, кексаларга ҳурмат, эҳтиёжманд инсонларга эътибор ва мададкор бўлиш, адолат ва халқпарварлик ҳар биримизнинг фаолиятимиз мезонига айлансин. Тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт йўлида дадил одимлаётган халқимизга мустаҳкам соғлик, хушкайфият, ишларида зафарлар ёр бўлсин!

Ойдин ҲОЖИЕВА

НАВРЎЗ

Ўриклар шохида ёнди минг чироқ,
Пушти капалаклар қўнди бодомга.
Офтоб бир қиздирса, кўзлари қора
Лолақизғалдоққиз чиқволар томга.
Жиловсиз тойчоқдай югурар кишнаб,
Қиш бўйи эснаган эринчоқ сойлар.
Баҳор бисотидан кетади яшнаб,
Келинчак уйидай кўҳна саройлар.
Сумалак бошида келинлар чечан
Лутфида дунё ишқ, сирга айланар.
Ёмғир қўбизини чалади шўхчан,
Сомонлар тиллога, дурга айланар.
Тарновда пат тараб ошиқ мусича
Шўх-шўх муччилашиб бахши бўлодир.
Каврак илдизию чўл андизича
Бол кириб чечакдан яхши бўлодир.
Хазин мозористон дарахтлари-да
Армон гулларини тўзғитиб порлар.
Қабртошнинг видо дастхатларида
Хотира шуъласин ўқир баҳорлар.
Ҳаёт абадийдир. Ҳаёт — ғанимат.
Довул қоқар жарчи, бонг урар Наврўз.
Не чоғ сеҳргарсан, она табиат,
Ҳар бир ҳужайрада ёқасан юлдуз.
Минг торли соз каби сасланар Инсон
Наврўзий саболар оҳангида маст.
Тонгтача баҳорий завқ ичра жаҳон
Бир қучоқ гулдаста бўлса ажабмас.

Фарғона вилояти

Ташаббускорлик

Яшариш ва янгиланиш айёми – Наврўзи оламни «Фарғона иссиқлик электр маркази» АЖ жамоаси муносиб меҳнат туҳфалари билан қарши олмоқда.

Нурафшон ҳаёт ижодкорлари

Айни пайтда 825 нафар ишчи-ходим меҳнат қилаётган корхона томонидан Фарғона шаҳридаги йирик заводларга иссиқлик энергияси ва электр энергияси, шу билан бирга, аҳоли энг кўп жойлашган Қиргули мавзесидаги кўп қаватли уйларга, ижтимоий объектларга иссиқлик манбаи етказиб берилмоқда. Машаққатли меҳнат эвазига ўтган йили 1 млн. 104 минг Гкалл иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилди.

Айтиш керакки, корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасига асосан ишчи-ходимларга қатор имтиёз ва қулайликлар яратилган бўлиб, иш ҳақлари ўз вақтида тўланиши доимий назоратга олинган. Меҳнат муҳофазаси тадбирларига қанчалар жиддий эътибор қаратилаётганини шундан ҳам билса бўладики, ўтган йили бу мақсадлар учун 234 млн. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Ходимларнинг саломатлиги доимо диққат марказида. Бултур 24 нафар ходим республикамиздаги турли сиҳатгоҳларда соғлиғини мустаҳкамлаб қайтди. 792 нафар ишчи-ходим иш берувчи ҳисобидан бепул чуқур тиббий кўрикдан ўтказилди. Зарарли шароитларда ишловчи 124 нафар ходимга сут маҳсулотлари бериш йўлга қўйилган. Касаба уюшма аъзоларининг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш мақсадида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари, самарали фаолият юритаётган ходимлар рағбатлантирилмоқда, кам таъминланган оилалар қўллаб-қувватланмоқда.

Наврўз – меҳр-саховат байрами. Шундан келиб чиққан ҳолда, узоқ йиллар самарали меҳнат қилган пенсионерларнинг ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган оилаларга моддий кўмак кўрсатиш корхонанинг яхши анъаналаридан.

Дейдиларки, эзгулик бор жойда янгидан-янги ташаббусларга йўл очилади. Бу эса эртанги кунимиз янада нурафшон эканидан далолатдир.

Иброҳим МАМАСИДИҚОВ,
«Фарғона иссиқлик электр маркази» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси

2020 ЙИЛ 21 МАРТ, ШАНБА
№ 38-39-40 (4325)

Қорақалпоғистон Республикаси

Фаолият

Аҳил жамоанинг баракали ишлари

Қўнғирот минтақавий темирйўлчилари касаба уюшмаси ҳудудий қўмитаси, темирйўл узели унитар корхонаси раҳбарияти билан биргаликда амалга ошираётган ишларда Наврўз фалсафаси мужассам десак, асло муболаға эмас. Биргина 2018-2020 йиллар учун мўлжаллаб тузилган жамоа шартномаси асосида бажарилаётган тадбирлар ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

Шартнома бандларида бир муҳим жиҳат – аҳиллик тамойили ёрқин бўй кўрсатиб туради. Хусусан, ушбу ҳужжат асосида 2019 йилда қатор амалий ишлар бажарилди. Масъул ходимлар иштирокида «Қўнғирот» МТУ, «Қўнғирот Локомотив депоси», «Қўнғирот вагон таъмирлаш депоси», «Қўнғирот электр таъминлаш ва сигналлаштириш ҳамда алоқа масофаси», шунингдек, «Урганч Локомотив депоси», «Урганч темирйўл масофаси», «Урганч сигналлаштириш ва алоқа масофаси» ва «Урганч темирйўл шифохонаси» каби ташкилотларда сайёр қабуллар ташкил этилди. Аъзоларнинг иш шароитини ўрганиш давомида бошланғич касаба уюшма қўмиталари фаолиятига амалий-услубий ёрдамлар кўрсатилди.

Ватан ҳимоячилари куни арафасида мамлакатимизнинг мудофаа қудратини юксалтириш, ҳудудий яхлитлиги ва чегараларимизнинг дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришида миллий армиямизнинг тутган ўрни борасида ёшларимиз орасида тарғибот ишлари олиб борилди. Жойларда «Миллий армиямиз – ғуруримиз ва ифтихоримиз!», «Менинг армиям – менинг фахрим!», «Ватан ҳимояси – муқаддас бурч!» каби мавзуларда «Маънавият соатлари» ўтказилди.

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан «Қўнғирот минтақавий темирйўл узели» тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказилган «Темирйўл маликаси» кўрик-танлови қизиқарли ва таассуротларга бой бўлди. Танлов шартларига мувофиқ, биринчи ўринни «Қўнғирот Локомотив депоси» оператори Галья Салжигитова эгаллади. Тадбирнинг барча қатнашчилари танловнинг қўшимча номинациялари бўйича тақдирланди ва уларга касаба уюшма маблағлари ҳисобидан қимматбаҳо совғалар топширилди. Соҳада меҳнат қилаётган 214 нафар хотин-қизга эсдалик совғалари берилди.

Хайр-саховат, меҳр-оқибат, бунёдкорлик ва бағрикенглик айёми – Наврўз байрами муносабати билан 56 нафар инсонга озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилиб, 152 нафар темирйўлчининг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди. Жамоа жорий йилда ҳам миллий анъаналаримиз ва қадриятларимиздан андоза олиб, савоб ишларда фаол қатнашмоқда.

«Қўнғирот минтақавий темирйўл узели» унитар корхонаси маъмурияти билан ҳамжиҳатликда ҳар йили ёз мавсумида ишчи-ходимларнинг фарзандлари таътилни қувноқ ва кўнгилли ўтказишлари учун олдиндан режа тузиб олинади. Ушбу режага мувофиқ, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида 1650 нафар болажонга аттракцион чипталари олиб берилди. Таътил пайтида Қўнғирот болалар соғломлаштириш марказида 4-навбатда 280 нафар ўқувчининг кўнгилли дам олишига эришилди. Жумладан, Тошкент вилоятидаги «Қибрай» дам олиш оромгоҳига ишчи-ходимларнинг 347 нафар фарзандига йўлланма берилди.

Ходимларга ҳақ тўлаш, уларнинг ҳаёт даражасини янада ошириб бориш, иш вақти ва дам олиш режимлари, меҳнат муваффақиятлари учун моддий ҳамда маънавий рағбатлантириб боришни назорат қилиш ҳудудий қўмита эътиборида. Раҳбарият ўрнатган тартиб асосида меҳнат фаолияти давомида туман коэффициенти, тунги ва байрам кунлари ишлагани учун ва ёнилғи сарфлашда иқтисодий кўрсаткичлари эътиборга олиниб, мукофот пуллари бериб борилмоқда.

Ходимлар ўртасида спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси каби турлари бўйича мусобақалар ўтказиш анъана тусини олган.

Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугун «Қўнғирот минтақавий темирйўл узели» корхоналарида ходимларни махсус кийим-бош ва ҳимоя воситалари билан таъминлаш 92 фоизни ташкил этмоқда. Меҳнат муҳофазаси бўйича масъул ходимларни ўқитиш амалга оширилаётир.

2019 йилда аъзолардан 2369 та мурожаат келиб тушган бўлса, шулардан 2153 таси қаноатлантирилди ва 216 та шикоят эгаларига тушунтиришлар берилди.

7 минг 34 нафар ишчи-ходим фаолият юритаётган аҳил ва иноқ жамоа кўплаб меҳнат ютуқларини қўлга киритмоқда. Чунки ҳамжиҳатлик бор жойда доимо барака бўлади.

Амир ЕМБЕРГЕНОВ,
Қўнғирот минтақавий темирйўлчилари касаба уюшмаси ҳудудий қўмитаси раиси

КИМЁ ВА ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Халқимиз тафаккурининг бетакрор мўъжизаси – Наврўзи олам билан мамлакатимиз аҳлини, шу жумладан, кўп сонли, кўп миллатли касаба уюшма аъзоларини самимий кутлайди.
Юртимизни, кўнглимизни, хонадонларимизни баҳорий кайфият ҳеч қачон тарк этмасин!
Баҳорий тароват муборак, азиз юртдошлар!
Юксак тараққиёт ва шонли истиқбол йўлида олиб бораётган ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Жуманиёз ЖАББОРОВ

ЯШНАР ТАБИАТ...

Наврўз келибон, жумла жаҳон нозланажакдир,
Офтоб қизитиб, аста-секин ёзланажакдир.
Яшнар табиат, дашту адир лола ичинда,
Юртим – чаманим ўзгача пардозланажакдир.
Ирмоқ қуладир, елга ўпич берса бинафша,
Майса куёш тафтида таннозланажакдир.
Бир лаҳза эшит қумри-ю булбулнинг навосин,
Шўх-шўх таралиб, яллаю шаҳнозланажакдир.
Қайнар сумалак, варрак учар, тўю томоша,
Диллар қувониб, соз ила парвозланажакдир.
Жавлон уришар давра тузиб неча йигитлар,
Қизлар безаниб, ҳусн ила мумтозланажакдир.
Дунёда одам қадри баланд, севса Ватанни,
Юрт ичра яна ҳурмату эъзозланажакдир.

Айёминг муборак, жонажон юртим!
Ўлкамизга фаслнинг келинчаги, баҳор байрами – Наврўзи олам ташриф буюрди.
Янги йил барча юртдошларимизга, шу жумладан, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд аҳлига, кўп минг сонли, кўп миллатли касаба уюшма ташкилоти аъзоларига муборак бўлсин!
Юртимизни, кўнглимизни баҳорий кайфият тарк этмасин!

Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси

Тўра СУЛАЙМОН

ҚАЙТА КЕТМАС БЎЛИБ КЕЛДИНГМИ, БАҲОР?

Ер-у самовотда Наврўз нафаси,
Боғ-у бўстонларда андалиб саси,
Бу нафас, бу сасснинг йўқ муқояси.
Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?

Дастлаб тонг чоғинда кўргандим сени,
Сўнг Тангри тоғинда кўргандим сени,
Қизлар ёноғинда кўргандим сени.
Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?

Малак ҳолатинда кўргандим сени,
Қушлар қанотинда кўргандим сени,
Куйчи баётинда кўргандим сени.
Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?

Ҳали айтилмаган таърифинг қанча,
Сен то ўру қирни айланмагунча
Боғлар гулга кирмас, очилмас ғунча.
Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?

Қошлари ўсмалим, кўзи сурмалим,
Этак-этак гулли, бари бурмалим,
Сени дунёда ҳеч кима бермалим!
Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?

Сен қайта яралиш, ёшлик тимсоли,
Ҳаёт бахш этгувчи Масиҳ мисоли.
Сенсиз одамзоднинг не кечар ҳоли?
Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?

Тўрт фаслнинг танҳо маликаси сен,
Тугал гўзалликнинг ниҳояси сен,
Ошиқ-маъшуқларнинг таманноси сен,
Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?

Фарғона вилояти

Жаннатмонанд гўшалар

«ЧИМЁН»ДА УЙҒОНИШ ФАСЛИ

Кир-адирлар бағрида жойлашган «Чимён» сиҳатгоҳи Наврўз байрами арафасида янада чирой очиб, ажойиб манзара касб этади. 28 гектар майдонни эгаллаган сиҳатгоҳга киришингиз биланоқ сизни баҳор таровати чулғаб олади. Буни сиҳатгоҳда дам олаётганларнинг юз-қиёфасидан ҳам англайсиз. Дарахтдан-дарахтга учиб қўнаётган қушларнинг чуғур-чуғури уйғониш фаслининг аллақачон одамзод қалбига жойлашиб олганидан дарак беради.

– Янгиланиш нафақат табиатга, балки жамият ҳаётига ҳам хос жараён, – дейди санаторий директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Лазокат Боймирзаева. – Неча минг йиллар давомида азалий қадриятларимизни ўзида мужассам этиб, аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган Наврўзнинг ҳаётимиздаги ўрни ва моҳияти тобора ошиб бормоқда. Халқимиз учун табиат уйғониши, шарқона янги йилнинг бошланиши, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўз айёмини юртимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида ҳар томонлама чуқур тайёргарлик билан кутиб олиш ҳамда нишонлаш эзгу анъанага айланган. Сиҳатгоҳимизда байрамни юқори савияда ва кўтаринки кайфиятда ўтказишга жиддий ҳозирлик кўрилди. Ишчи-ходимлар ва даволанувчилар ўртасида миллий ўйинлар, спорт мусобақалари, «Сумалак сайли» ташкил этилди. Барча бўлим ва бўлинмалар баҳорий таомлар, кўк сомсалар билан, миллий усулда саҳна безатишлар ҳамда ўзларининг санъатларини намойиш қилган ҳолда қатнашдилар.

Дарвоқе, қирқ йилдан буён юртдошларимизга саломатлик улашиб келаётган сиҳатгоҳда асаб тизими, юрак-қон томир, таянч-ҳаракат аъзолари, гинекологик, урологик, тери касалликлари даволанади. Энг замонавий даволаш анжомлари билан жиҳозланган хоналарда муолажалар олиб борилиши йилдан-йилга бу ерга келувчилар сонининг ортишига хизмат қилмоқда.

Жамоанинг энг катта ютуғи шундаки, бу ерда юқори малакали мутахассислар жамланган. Барча даволаш хизматларини ўз ичига олган икки қаватли замонавий даволаш биноси, битта тўрт қаватли ва тўртта беш қаватли кўркам ётоқ бинолари даволанувчилар учун барча шароитлар яратилган.

Кейинги йилларда сиҳатгоҳга келувчиларга янада юқори даражада хизмат кўрсатиш ва соғломлаштириш соҳасидаги имкониятларни кенгайтириш мақсадида даволаниш хоналари жаҳон андозаларига мос янги тиббий ускуналар билан жиҳозланди.

Бундан уч-тўрт йил аввал сиҳатгоҳга республикамизнинг турли ҳудудларидан ўртача 18-20 минг нафар киши саломатлигини мустаҳкамлаш учун келган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич салкам 27 минг нафарни ташкил этмоқда. Қувонарлиси, сиҳатгоҳда нафақат республикамиздан, балки қўшни давлатлардан келган фуқаролар ҳам саломатлигини тиклашмоқда.

Масканда дам олувчиларга 24 нафар малакали олий тоифали шифокор, 134 нафар тиббиёт ҳамшираси ва 295 нафар бошқа соҳа ишчи-ходимлари сидқидилдан хизмат кўрсатмоқда.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«ISHONCH»

Агросаноат маҳмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

Наврўз – азалий қадриятларимизни ўзида мужассам этган баҳорнинг энг гўзал байрамларидан бири. Табиат уйғониши, инсонларнинг бир-бирига меҳр-оқибати айнан шу байрамда намоён бўлади.
Барча юртдошларимизни, шу жумладан, агросаноат мажмуи ходимларини баҳор айёми – Наврўзи олам билан қутлаймиз!
Хонадонингизга файз-у барака, осойишталик, юрт равнақи йўлидаги фаолиятингизга ривож тилаймиз. Шу қутлуғ кунларда қилган барча эзгу ниятларингиз амалга ошсин!

Шавкат РАҲМОН

ҲАМАЛ

Эриб битди поёнсиз қорлар,
яна кўҳна замин тулланди.
Водийдаги улкан ўриклар
бир кечада оппоқ гуллади.
Оқ булутлар ерга қўндими,
мўъжизалар бўлдими содир?
Оқ, нақадар ажойиб тунда
оқ машъала экилган водий.
Энди сафсар кечаларда оқ
машъалалар тутиб, улуғвор
кенгликларда кезар чиройли
кундузларни ахтариб баҳор.

2020 ЙИЛ 21 МАРТ, ШАНБА
№ 38-39-40 (4325)

УМИД ДАРАГИ

Мулла Тоштемир Фотима фолбиннинг жаноза намозини ўқиб тугатиши билан иккита қўлтиқтаёқда бир оёқлаб юрувчи Исмоил бува тобутнинг олдига ўтиб, «шотини беринглар» ишорасини қилди. Йигитлар имомга қарашди. У бошини аста қимирлатди. Йигитлар шоти учини унинг елкасига қўйиб, орқасидан ўзлари ушлаб туришди.

Исмоил бува четга чиқди. Одамлар тобутни кўтариб кетишди.

Таъзиядан кейин маҳалламиз оқсоқоли Эргаш Мирзаалига: «Исмоил бувам қўлтиқтаёқда юрса, жаназага келгани қолиб, тобутни кўтараман дейди-я», – деган эдим, у шундай деди:

– Урушнинг бошидаёқ қишлоқ советига «оддий аскар Исмоил Мамажонов бедарак кетди», деб ёзилган «қора хат» келган. Хотини Роҳила опа роса тўрт йил кутган. Охири боғдодлик акалари келиб, «шунча кутганинг етар», деб олиб кетишган. У анчадан кейин бир навини қилиб, Фотима холаникига келган ва фол очирган. Фотима холамдан «Сен – Роҳила, хаёлингни бузма, эринг узоқдан бир оқсоқ қўйни етаклаб келяпти», деган гапни эшитгандан кейин уникидан чиқибоқ, эрининг уйига кириб бораверган экан.

* * *

ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

Ўтган асрнинг 60-йиллари кузи эди. 10-синфда ўқирдик. Юқори синфларнинг ҳаммасини чўлга пахтага олиб кетишди.

Икки-уч кундан кейин далада тушлик қилиб ўтирган эдик, юк машинаси олдимизга келиб тўхтади. Кабинадан математика ўқитувчимиз Нишонов тушди ва «қани, 10-синф – машинага чиқинглар», деди. Бизларга раҳбар бўлиб келган ўқитувчи Ибрагимов: «Домла, буни мактаб директори биладими» – деган эди, «Ҳа, билади», деди зардали оҳангда.

Домла Нишонов қилган иш каттагина шов-шувга сабаб бўлади. Ўша кунларнинг бирида Нишонов дарс ўтаётган синфимизга район катталаридан бири директор етовида шитоб билан кириб келди ва домлага: «Нима, сиз пахтага душманмисиз, эртага бошқа мактабларнинг 10-синфларини ҳам опкетиб қолишса, кейин нима бўлади, сиз билан керакли жойда гаплашамиз», деб дағдаға қилди.

Домлани «керакли» жойга чақиришдими-йўқми, билмайман. Лекин Нишоновнинг костюмига тақилган «Халқ маорифи аълочиси» нишонини ечиб олишибди, деган миш-миш тарқалгани рост.

Нима бўлганда ҳам, домламизга раҳмат, шундан кейин йиғим-терим мавсумида 10-синфларга тегмайдиган бўлишди.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси

Барча юртдошларимиз ва соҳа ходимларини меҳр-мурувват, нафосат айёми – Наврўзи олам билан самимий қутлайди. Сиз – азизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилаймиз. Наврўз айёми яна бир бор муборак бўлсин, азиз ватандошлар!

Абдулла ОРИПОВ

Ҳарир ҳовур ичра

Аввал юрагингга мўралайди у,
Сўнгра куртакларга ўргатади сўз.
Заминнинг кўзидан қочади уйқу,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

Қишнинг аҳволига боқиб ҳойнаҳой,
Юм-юм ёш тўкмоқда эриётган муз.
Жилва қилаётир тенгсиз бир чирой,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

Она бағри каби иликдир олам,
Ҳарир ҳовур ичра яйрар дала-туз.
Қолди пучмоқларда хазон янглиғ ғам,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

Яна кўнгиллардан рутубат кетди,
Яна шуълалардан қамашмоқда кўз.
Яна дилдорликнинг фурсати етди,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

Эълонлар

Тошкент шаҳар, Боғишамол кўчаси, 57-Б уйда жойлашган «IBRATLI HIMOYA» адвокатлик бюроси (Лицензия рақами: TN 000303, 2018 йил 29 декабрь) нинг 2020 йил 9 мартдан тугатилаётгани эълон қилинади.
Тел: 90-985-66-14.

Яшнобод темирйўл касб-ҳунар коллежи томонидан 12.11.2019 йилда Жаббаров Сардор Холбой ўғли номига берилган №5776371 рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда барча тармоқ касаба уюшма кенгашлари жамоалари Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Улуғбек Муҳамедовга отаси
Зиёдулла МУҲАМЕДОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюшмасининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчи Тойиржон Ҳамидовга турмуш ўртоғи
Фазилатхон ИБРОҲИМОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темур МАМАЖОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари-«Ishonch-Доверие» бўйича),
Меҳриддин ШУКУРОВ,
(Масъул котиб - «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб - «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А .Абдураҳмонов,
Ж. Наҳанов
Мусаҳҳиҳлар:
С. Шодиева,
З. Холмуҳаммедова,
Д. Орипов
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

ЎзА якуни – **22:35**
Топширилди – **01:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 6 босма табоқ. Буюртма **Г – 317.** **30729** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130